

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
«ТЕХНИКА» факультети, «ИҚТИСОДИЁТ» кафедраси,
«ИҚТИСОДИЁТ» йўналиши 1-гуруҳ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Иқтисодиёт» кафедраси
муdiri Н.Халилов

20.12. 2011й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба: Мухтаров Хусниддин Ганижон угли

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси: “Андижон вилоятида меҳнат ресурсларини иқтисодиёт тармоқларига самарали тақсимлаш йўллари”

5-сонли 5 декабрь 2011й. кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув малакавий ишни топшириш муддати: “_____” июнь 2012й.

3. Битирув малакавий ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар:

Андижон вилояти “Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш” бошқармасининг уч йиллик статистик маълумотлари, илмий мақолалар ва тезислар.

4. Хисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати):

I боб. Меҳнат бозори ва меҳнат ресурсларини назарий асослаш

II боб. Андижон вилояти меҳнат ресурсларини иқтисодиёт тармоқларида иш билан бандлик даражаси таҳлили

III боб. Меҳнат ресурсларини иқтисодиёт тармоқларида самарали бандлигини ошириш йўллари

5. Чизма ишлар рўйхати (номи аниқ кўрсатилади)

2.1.1.-жадвал. Андижон вилояти, аҳолиси ва меҳнат ресурслари сони динамикаси

2.2.1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси ва Андижон вилоятида иш билан банд аҳоли сони динамикаси

2.2.2-жадвал. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқларида, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сони динамикаси

2.2.3-жадвал. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятида ва деҳқон хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сони динамикаси

2.3.1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси ва Андижон вилоятида яратилган иш ўринлари сони динамикаси

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчи(лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф. и. ш.	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1	Кириш	Зуфарова Г Исроилова Д	15.12.2011й	05.01.2012й
2	I боб	Зуфарова Г Саримсақов А	06.01.2012й	25.02.2012й
3	II боб	Исроилова Д Зуфарова Г	27.02.2012й	14.04.2012й
4	III боб	Саримсақов А Зуфарова Г	16.04.2012й	30.04.2012й
5	Хулоса	Исроилова Д Зуфарова Г	02.05.2012й	12.05.2012й

7. Битирув ишини бажариш режаси

№	Битирув иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1.1.	Меҳнат бозорининг ижтимоий -иқтисодий моҳияти	10.01.2012	
1.2.	Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш	17.01.2012	
1.3.	Меҳнат ресурсларини жойлашиш қонуниятлари	25.02.2012	
2.1.	Вилоят аҳолиси ва меҳнат ресурслари ҳолати	14.03.2012	
2.2.	Меҳнат ресурсларини бандлик даражаси	30.03.2012	
2.3.	Яратилган бўш иш ўринлари таҳлили	14.04.2012	
3.1.	Меҳнат ресурсларини салоҳияти ва ҳаракатида сифат кўрсаткичларини ошириш йўллари	5.05.2012	
3.2.	Меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш чоралари	12.05.2012	

Битирув малакавий иши раҳбари: Зуфарова Г _____

Топшириқни бажаришга олдим: Мухтаров Х _____

Топшириқ берилган сана: 15 декабрь 2011йил

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	5
--------------------	---

I. БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ

1.1. Меҳнат бозорининг ижтимоий -иқтисодий моҳияти.....	9
1.2. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш.....	17
1.3. Меҳнат ресурсларини жойлашиш қонуниятлари.....	28

II. БОБ. АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА ИШ БИЛАН БАНДЛИК ДАРАЖАСИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Вилоят аҳолиси ва меҳнат ресурслари ҳолати.....	38
2.2. Меҳнат ресурсларини бандлик даражаси.....	44
2.3. Яратилган бўш иш ўринлари таҳлили.....	52

III. БОБ. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА САМАРАЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Меҳнат ресурсларини салоҳияти ва ҳаракатида сифат кўрсаткичларини ошириш йўллари.....	58
3.2. Меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш чоралари.....	63

Хулоса ва таклифлар	69
----------------------------------	----

Фойдаланилган адабиётлар	73
---------------------------------------	----

Иловалар	75
-----------------------	----

Кириш

Республиканинг меҳнат ресурслари ортиқча ҳудудларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда меҳнат бозорининг тартибга солишнинг самарали усулларида ишчи кучига бўлган талабнинг ошиши ва унинг таклифи камайишини ҳисобга олиш зарур. Аҳолининг зичлиги ишчи кучи шаклланишига таъсир кўрсатади. Меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси туғилади. Меҳнатга қобилиятли аҳолининг иқтисодиёт тармоқларида самарали бандлигини таъминлашда иқтисодиётнинг таркибий хусусиятлари ва вазифаларни тадқиқот қилиш катта илмий-амалий аҳамиятга эга. Иқтисодиётнинг барча секторларидаги таркибий ўзгаришлар ҳозирги шароитда ишчи кучига талаб ва таклифнинг янги ҳаракатини белгиловчи энг муҳим иқтисодий шартлардан ҳисобланади.

Булар саноат ва кизмат кўрсатиш тармоқларида янги иш жойларинини яралишни ва ҳудудларда ижтимоий иқтисодий ривожланишда сифат ўзгаришларини асослаб беради. Бундай шароитларда меҳнат бозорини янги инфраструктурасининг кўп жонли меҳнат талаб қиладиган тармоқлари ва ишлаб чиқариш бўғинларини қамраб олса, бошқа томондан иқтисодиётнинг анъанавий секторларида бозор муносабатларини вужудга келтиради ва ривожлантиради. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсатдир мамлакатда янги иш ўринларини яратилишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек “Ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўринининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш,

28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди”¹.

Ҳозирги даврда тараққиёт кўп жиҳатдан меҳнат ресурсларидан қанчалик самарали фойдаланишга боғлиқ. Меҳнат омили билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар, яъни меҳнат ресурсларларининг меҳнат соҳасидаги, қобилиятлари, иқтисодий фаоллиги қабилар иқтисодий тараққиёт, фаравонлиги ва мамлакатлар ҳавфсизлигини таъминловчи омиллардан бири бўлиб юзага чиқмоқда. Меҳнат омилидан самарали фойдаланиш эса мамлакатда амалга ошириладиган меҳнат муносабатлари ва бандлик соҳасидаги сиёсатга бевосита боғлиқ.

Меҳнат ресурсларининг тез суръатлар билан ўсиши иш билан бандлик муамоларини янада шакллантириш мумкинлиги меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиши, меҳнат бозоридаги жараёнларини тартибга солиш бўйича қатор чор тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Булардан бири кичик ва хусусий тадбиркорликни оилавий бизнесни фаол ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш демакдир. Ўз навбатда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам бердиган ҳуқуқий шарт шароитлар ва меҳнат тузилмалар вужудга келади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки бандлик соҳасидаги муаммолар ҳудуд иқтисодиёт тармоқларида иш билан таъминлаш даражаси ва вазифалари турличадир. Маълумки вилоят туманларида ишлаб чиқариш корхоналарининг жойлашуви ҳамда халқ хўжалик тармоқларининг меҳнат ресурслари ва уларни иш билан таъминлаш даражаси сезиларли фарқ қилади. Шунинг учун меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишнинг ҳудудий омилларини ривожланиш даражасини инобатга олиш зарурдир.

¹ Каримов И. 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий- иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиёти янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузаси. Ўқув қулланма, Т...2012й, 153 бет

Меҳнат ресурсларини тез суръатлар билан ўсиши иш билан бандлик муаммоларини янада кескинлаштириш мумкинлиги меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнат бозоридаги жараёнларни тартибга солиш бўйича фатор чора- тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Булардан бири кичик ва хусусий тадбиркорликни, оилавий бизнесни фаол ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш демакдир. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам берадиган ҳуқуқий шарт – шароитлар ва институтционал тузилмалар вужудга келмоқда.

Меҳнат бозорининг вужудга келиши ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга эришиш учун ўзаро рақобат қилишга тайёр эркин ва тенг ҳуқуқли шерикларни иқтисодий муносабатларда бўлишларини тақозо этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бандлик соҳасидаги муаммолар ҳудуд иқтисодиёт тармоқларида, иш билан таъминлаш даражаси ва вазифалари турличадир. Маълумки, вилоят туманларида ишлаб чиқариш корхоналарининг жойлашуви ҳамда халқ хўжалиги тармоқларининг меҳнат ресурслари ва уларни иш билан таъминлаш даражаси сезиларли фарқ қилади. Шунинг учун меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишнинг ҳудудий омилларини ривожланиш даражасини инобатга олиш зарур.

Демак, меҳнатга лаёқатли меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш уларни турли соҳаларига жалб қилиш ишлашни ҳохловчи ҳар бир шахс учун фаолият турини эркин таъминлаш имкониятларини яратиб бериш йўли билан ишсизликни камайтириш, янги иш ўринларини яратиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ушбу муаммони ўрганишда Андижон вилояти меҳнат ресурсларининг тармоқлар бўйича бандлик ҳолати ўрганилди.

Битирув малакавий ишнинг предмети ва объекти Андижон вилояти меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш янги иш жойларини барпо қилиш

билан боғлиқ масалалар ишнинг предмети ҳисобланади. Ишнинг объекти Андижон вилоятининг меҳнат ресурслари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг таркиби. Учта боб, кириш, хулоса ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи бобда, меҳнат бозори ва меҳнат ресурсларини назарий асоси келтирилган. Бунда меҳнат бозоридаги вазият, ишчи кучи талаби таклифи, меҳнат ресурсларини меҳнатга қобилиятли қисми, улардан самарали фойдаланиш назарий ўрганилган.

Иккинчи бобда, Андижон вилояти меҳнат ресурсларини ҳолати, вилоят иқтисодиёт тармоқларида уларнинг иш билан бандлик даражаси, ҳамда иш билан таъминлаш мақсадида иш ўринларини яратиш ҳолати таҳлил қилинган.

Учинчи бобда, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида уларни сифат кўрсаткичларига эътибор бериш ҳамда меҳнат салоҳиятини ошириш ҳамда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида таркибий ўзгаришлар бўйича таклифлар киритилган.

I.Боб. Меҳнат бозори ва меҳнат ресурсларини назарий асослаш

1.1. Меҳнат бозорининг ижтимоий -иқтисодий моҳияти

Меҳнат бозори жамият иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг муҳим соҳасидир. Ҳозирги пайтда меҳнат бозори хўжалик юриштишнинг таркибий қисмларидан бирига айланган.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, меҳнат бозори ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни ифодаловчи механизм сифатида кўрилса, бошқа иқтисодчилар гуруҳи меҳнат бозори фақатгина ишчи кучига бўлган талабни қондиришга шароит яратади, деб ҳисоблайдилар. Учинчи хилдаги тоифа ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг фикрига кўра, меҳнат бозори-ўз шахсий қобилияти ишчи кучларини такрор ишлаб чиқариш ҳамда уларни ижтимоий меҳнат тақсимоти тизимида товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш қонунлари асосида ҳаётӣ кундалик воситаларга алмаштириши муносабатларининг мураккаб тизимини ўзида ифодалайди.

Меҳнат бозорининг иқтисодий тушунча сифатидаги моҳияти унинг турли ижтимоий-иқтисодий шароитлардаги хусусиятлари, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, тақсимот, ўзлаштириш ва фойдаланиш механизми, у ёки бу жамият иқтисодий муносабатлари тизимида бу тушунчанинг роли ва аҳамияти классик иқтисодиёт назарияси намоятдалари, ҳамда хорижий мамлакатлар машҳур иқтисодчи олимларининг тадқиқот предмети бўлган. А.Смит ва Д.Рикардолардан то Ж.Кейнс, М.Фридман, Я.Корнаи ва кўп сонли бошқа иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган.

Меҳнат бозори тушунчасига россиялик ва кўпгина ўзбек олимларининг ҳам таърифлари мавжуд.

С.Ю.Рошин, Т.О.Разумоваларнинг таърифига кўра, “меҳнат бозори-меҳнатга талаб ва меҳнат таклифини ўзаро ҳаракатлантирувчи, бозор механизми ва белгилари асосида меҳнат ресурсларини тақсимлашдир”¹.

Б.М.Генкиннинг таърифига кўра:”меҳнат бозори энг аввало иш берувчи ва ишга ёлланганлар манфаатлар келишуви механизми ҳисобланади. Ундан ташқари меҳнат бозорида ижтимоий алоқалар бошқариш зарурати ҳосил бўлиб, давлат манфаатлари белгиланади”².

Л.Максакова “Меҳнат бозори” тушунчасининг ўрнига “Ишчи кучи бозори” тушунчасини қўллашни зарур деб ҳисоблайди. “Меҳнат ресурслари бозори” тушунчаси қўлланса, янада тўғрироқ бўлади, дейди³.

Шуни таъкидлаш жоизки, “меҳнат бозори” тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва уни таркибий қисмларининг систематик тадқиқоти мазкур бозорни ўтиш даврида бажариладиган асосий вазифаларни ҳам аниқлашга имкон беради:

-ишчи кучига талаб ва таклифнинг ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантириш;

-бозор услубида хўжалик юритишининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий механизмлари ёрдамида ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солиш;

-меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга бевосита таъсир кўрсатиш;

-ишсизларни иш топишга ва уларнинг малакаси ва рақобат қобилиятларини оширишга кўмаклашиш;

¹ С.Ю.Рошин, Т.О.Разумова. Экономика труда: Экономическая теория труда. Учебное пособие. -М.:ИНФРА-М, 2000 г.-(серия “Высшее образование”)-376-стр.

² Б.М.Генкин.”Экономика и социология труда”. Учебник для вузов.-М.:Издательская группа НОРМА-ИНФРА. М, 1999 г.-338-стр.

³ Б.Алиев.”Меҳнат бозорини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари” /Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси/-2003 й. 5-сон, 62-бет.

-ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва меҳнат тақсимотини ўзгартириш.

Улар, саноат, хизмат кўрсатиш ва бошқа конкрет меҳнатни қўловчи соҳаларга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда озод бўлган ходимларни рақобат асосида жалб қилишни рағбатлантиради ҳамда шунинг билан муомала соҳасида ишчи кучи ревервини шакллантириб, банд бўлмасдан қолишга имкон беради. Бу нуқтаи назардан энг аниқ хулоса И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган: ”Меҳнат бозори меҳнат ресурсларининг ишчи кучига бўлган талаб ва таклифини шакллантириш асосида, ҳхжалик юритиш соҳалари ва тармоқлари, машғулот турлари ва шакллари бўйича аниқ мақсадни кўзлаб тақсимлаш ва қайта тақсимлаш воситаси вазифасини бажариши лозим”¹

Меҳнат бозорида ходимлар меҳнати сотилиши ва сотиб олиниши тан олинган ҳолда бозор муносабатлари нормал ишлашининг барча шартлари кондирилади. Меҳнат бозорининг ишлашига алоқадор давлат тузилмалари фаолияти амалиётида унга турли ижтимоий-иқтисодий омилларни, шунингдек, сиёсий муаммоларни ҳисобга олиб, ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар бирлиги принциpidан келиб чиқиб, ишчи кучи бозори сифатида қаралади. Ишчи кучи бозори меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат қилишиги бўлган лаёқатларини таклиф қилиш соҳасини топиш хоҳиш-истаклари йигиндиси сифатида шаклланса, ишчи уринлари бозори корхона ва ташкилотларнинг ишчи кучига бўлган жами эҳтиёжлари сифатида ташкил этилади. Бирок ишчи кучи бозори узининг ижтимоий-иқтисодий табиатига қура, энг аввало, аҳолининг ишчи уринларига бўлган эҳтиёжларини қўқоқлайди. Бу эҳтиёжларнинг қондирилиши эса, унинг меҳнат салоҳияtidан самарали фойдаланиш ҳамда самарали бандликни шакллантирилишининг асоси ҳисобланади.

¹ Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси: Олий ўқув юртларининг иқтисодиёт соҳаси бўйича талабалар учун дарслик./Қ.Абдурахмоновнинг умумий таҳрири остида/-Т.:”Ўқитувчи”,2001 й.-96-бет.

Меҳнат бозорини ўрганишда «Иш билан бандликнинг шартнома назарияси» йўналиши (М.Бейли, Д.Гордон, К.Азариадис) кабилар тимсолида неоклассик қарашлар ва Кейнсчилик қарашларини уйғунлаштирган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, улар пул шаклидаги иш ҳақининг қатъийлигини тан олган ҳолда меҳнат бозоридаги мослашув баҳонинг эмас, балки ишлаб чиқариш жисмоний ҳажмларининг ва иш билан бандликнинг ўзгариши орқали амалга ошади деб ҳисоблашади. Бошқа жиҳатдан эса ана шу қатъийлик ўз иқтисодий манфаатлари йўлида фаолият юритаётган индивидлар (иқтисодий истак-иродаларини) ҳулқини оптималлаштиришдан келиб чиқарилади.

Бу назариянинг моҳияти шундаки, бунда иш берувчилар ва ходимлар ўртасида узоқ муддатли келишув – «Имплицит контракти» тузилади. Яъни бу келишув юридик эмас, балки иқтисодий манфаатларга асосланган келишув бўлиб, унга кўра ишлаб чиқариш инқирозга (таназзул) учраган пайтлари фирма иш ҳақи даражасини тушириб юбормайди, ишлаб чиқариш ривожланган пайтда эса-малакали мутахассислар меҳнат ҳақини кескин ошириб юборишмайди. Шу тарзда иш ҳақи динамикасида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмайди, ишлаб чиқаришнинг нисбий барқарорликни сақланади. Меҳнат бозорини моҳияти унинг меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлигига таъсири каби қатор масалалар классик ва неоклассик таълимотлар тарихида ҳам чуқур таҳлил этилгани юқоридаги фикрларда яққол кўзга ташланади. Меҳнат бозорининг шаклланиши унинг иқтисодий тизим такомиллига, кишилар турмуш даражасига таъсири ҳақидаги назарий концептуал ёндошувлар замонавий иқтисод илмида ҳам муҳим тадқиқот объекти ҳисобланади.

Ўз навбатида фирмалар ички меҳнат бозори масаласи нафақат бизда жаҳон тажрибасида ҳам ҳали етарли даражада ўрганилмаганлигини нуфузли олимлар эътироф этгани ҳолда, ҳаттоки, ушбу масалани иқтисодий категория сифатида илмий истеъмолга ва амалий фаолиятга киритилганлиги ҳам

олимлар орасида қизғин илмий баҳс-мунозарага сабаб бўлаётганлиги ҳам сир эмас. Хусусан, меҳнат муносабатлари соҳасида кўзга кўринган йирик олим А.Котляр бир жиҳатдан ишчи кучи доимий равишда эмас, маълум вақтда белгиланган вазифани бажариш учун вақтинчалик сотилишига асосланганлигини инобатга олиш зарурлигини алоҳида уқтиради¹. Бугунги кунда хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг имкон берилаётган бир шароитда фирмалар ички меҳнат бозори юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар натижаларидан республикамиз миллий иқтисодиётини ривожлантириш фирмалар хусусий тадбиркорлар фаолиятини самарали тадқиқ этишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки айнан шу меҳнат бозори масаласи нафақат илмий-назарий жиҳатдан балки амалий жиҳатдан ҳам кишиларимиз тафаккур тарзига сингиб бормоқда. Бундан ўн йил олдин бозор деганда деҳқон бозорию, чорва моллари бозори тушинлар эди, холос. Эндиликда бу тушунчаларга муносабат тубдан ўзгармоқда. «Режали иқтисод» эса, ҳатто ана шу бозорда ҳам нарх-навони бошқаришга ҳаракат қилар эди. Бугун биз дунёдаги барча ривожланган мамлакатлар қаторида бозор иқтисодиётига ўтаётган эканмиз, меҳнат бозорини замонавий ва самарали тизимини яратиш ушбу ислохотларнинг муҳим амалга оширилиш зарур бўлган таркибий қисмига айланмоғи керак. Меҳнат бозорининг ташкил топиш жараёнларини текшириш ва уни бошқаришни адекват тизимини ишлаб чиқиш бозор ислохотларининг бирламчи амалий ва назарий вазифаларидандир ва иқтисодиётнинг ривожланиш тараққиётига самарали ва тез таъсир этишга қодир, замонавий бозор иқтисодиётини шакллантириш учун асосий шарт-шароитлардан биридир. Шу билан бирга меҳнат бозори иқтисодиётнинг ҳамма тизимларида ўзининг ўзаро алоқалари қийинлиги даражаси, критерияларининг турли-туманлиги ва етарлича алоҳида фаолияти соҳасига

¹ Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси: Олий ўқув юртларининг иқтисодиёт соҳаси бўйича талабалар учун дарслик./Қ.Абдурахмоновнинг умумий таҳрири остида/-Т.:”Ўқитувчи”,2001 й.-96-бет.

айлана олмаганлиги фақат специфик товарлар билан иш юритаётганлигини ҳисобга олиш зарур.

Меҳнат бозорини характерли хусусияти шундаки унда савдонинг предмети бўлиб инсон эмас, унинг меҳнатга қодирли ва ундан фойдаланишнинг давомийлиги туради. Унинг яна бир хусусияти ишчи кучи бутунлай эмас, балки вақтинчалик муайян муддатга сотилади, ҳамда иш ҳақи иш кучи истеъмол қилиб бўлингандан кейин тўланади. Бугунги кунда меҳнат бозори тушунчаси таҳлилида иқтисодий жуғрофий омиллар ҳам ўзига хос аҳамият касб этиптики айрим ҳолларда бу омиллар устуворлигини кўрсатишга сунъий ҳаракатлар ҳам юзага келмоқда.

Иккинчи томондан республикамизнинг деярли барча ҳудудларида аҳолининг меҳнатга қобил қатламларини миқдорини ўсиши туфайли ишчи ўринлари билан меҳнат ресурсларининг номувофиқлигини¹ вужудга келаётганлигини ҳам унутмаслик керак.

Бу ҳолат фикримизча қуйидаги омиллар билан узвий боғлиқ.

- ишчи ўринларга нисбатан меҳнатга лаёқатли кишилар сонини ўсишини илгарилаб кетиши;
- халқ хўжалиги тармоқларида ишчи кучларининг ҳаддан зиёд кўпайиши ҳисобига уларни меҳнат бозорига чиқиб кетиши;
- бозор капитали етарли даражада ривожланмаган бир шароитда меҳнат бозорини шакллана бориши ва бунинг оқибатидба ишчи кучига бўлган талабни таклифдан узилиб қолиши;
- ишчи кучларини касбий ва ҳудудий жиҳатдан ҳаракатчанлигини паст даражада эканлиги ва бошқалар.

Меҳнат бозори тушунчасининг илмий-назарий таҳлилига бу қадар жиддий эътибор берилаётганлигини боиси аввало бозор муносабатларига

¹ Сулаймонов И.О. Территориальной аспект формирования и рационального использования трудовых ресурсов Андижанской области. Автореферат дисс. к.э.н. Тошкент, 1993 г. С. 15.

ўтиш шароитида давлатнинг бандлик ва меҳнат бозорини самарали шакллантириш борасида ўтказётган сиёсати билан узвий боғлиқдир.

Шуни алоҳида эътиборга олиш зарурки «...меҳнат бозорини тартибга солишнинг республика тизимини барпо этиш асосан тугалланди. Давлат иш билан таъминлаш хизмати ташкил этилди. Аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялашга кўмаклашувчи жамғарма барпо этилди».¹ Эндиги вазифа меҳнат бозори бўғинларини ўрганишни йўлга қўйиш, яъни бандлик ва ишсизлик нуқтаи-назаридан ишчилар категорияларининг ҳар бир ҳолатини аниқ баҳолаш, ёлланма ишчилар ва иш билан таъминланувчилар ўртасидаги рақобатни, бозор ичидаги тенглик шароитларини ўрнатиш имконини берувчи бир қатор алоҳида омилларни чуқур таҳлил этиш тегишли назарий таҳлиллар асосида аниқ таклиф ҳамда меҳнат бозорини шакллантиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш уларни амалиётга қўллашни йўлга қўйишдан иборат.

Республикамиз иқтисодиётидаги туб ижобий ўзгаришлар меҳнат бозорида рақобатчилик муҳитини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратади. Чунончи бошқариладиган бозор иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига ўтиш барча субъектларнинг мустақил фаолиятини эркинлаштирувчи конституцион, ҳуқуқий асосларни яратади, бу эса, субъектларнинг меҳнат ҳуқуқини мустаҳкамлайди.

Меҳнат бозорида ишчи кучининг рақобатбардошлигини ошириш мазкур механизмнинг ажралмас қисмидир. Ишчи кучининг сифат кўрсаткичларини тўхтовсиз ошириб бориш эса меҳнат бозорининг асосий омили ҳисобланади. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, меҳнат бозорини тартибга соладиган меъёрлар улкан ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, улар сиёсий барқарорлик, фуқаролар тотувлиги ва ҳуқуқ-тарғиботи, инсон капиталининг юксак сифатлилиги ва юқори меҳнат унумдорлигини таъминлайди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. «Ўзбекистон» нашриёти, 1999 йил, 133-бет.

Меҳнат, меҳнатга қодирликсиз амалга ошмайди, меҳнат заҳиралари иқтисодиётда банд аҳолини ва банд бўлмаган аҳолини ўз ичига олади.

Баъзи бир адабиётларда ҳаттоки ишчи кучи бозори, иш ўринлари бозори тушунчалари меҳнат бозори таркибига киритилиб уларни ҳар бирига таъриф ҳам берилган.

Унга кўра ишчи кучи бозори, ишга яроқли фуқароларнинг ўзини меҳнатга қобилликни амалда тадбиқ эта оладиган меҳнат соҳаларига эга бўлиш истаклари мажмуини маҳсули сифатида шаклланади.¹

Ишчи ўринлари бозори эса корхона ва ташкилотлар (иш берувчилар) ни ишчи кучига бўлган умумий эҳтиёжи сифатида вужудга келади.

¹ А.А.Никифорова Рынок труда: занятость и безработица. Москва «Медународное отношения», 1991г 9 ст.

1.2. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш

«Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш» ва «мамлакатнинг меҳнат потенциали» тушунчалари ўзаро бир-бири билан боғлиқдир.

Биз, бу ерда фойдаланиш деганда, иқтисодиётнинг ресурсларидан бири бўлган меҳнат ресурсларини таърифловчи икки йўналишни тушунамиз. Бу, биринчидан, меҳнат ресурсларининг тақсимланиши ва иккинчидан, уларнинг меҳнатидан халқ хўжалигида фойдаланиш самарадорлигидир.

«Меҳнат ресурсларини тақсимлаш» деганда ресурсларнинг халқ хўжалигида ишлайдиган қисмлари ва ишламайдиган қисмлари тушунилади, ўз навбатида, ишламайдиган қисм меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган ёшдаги ўқувчиларга ва шахсий ёрдамчи хўжалик ишларини бажариш билан шуғулланувчиларга, ҳарбий кучлар сафида хизмат қилаётганларга, ишсизларга, шунингдек, ҳеч бир ерда ишламайдиганларга ва иш қидирмайдиганларга бўлинади.

Меҳнат билан бандлик турлари бўйича меҳнат ресурсларини тақсимлашни фақат фуқаро аҳоли (яъни, бунга ҳарбий хизматчилар қирмайди) бўйича кузатиш мумкин. Ишлайдиган аҳоли (меҳнат билан банд аҳоли), ўз навбатида, айрим тармоқлар, касб гуруҳлари бўйича тақсимланиши, шу жумладан, ақлий ва жисмоний меҳнат бўйича, меҳнат режими бўйича (тўлиқ йиллик бандлик, тўлиқ бўлмаган иш куни, ҳафтаси ва ҳафта), ниҳоят ижтимоий-иқтисодий соҳалар бўйича қараб чиқилади.

Республикаимиз иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги тизимига кириб бориши муносабати билан секин-аста илмий фаолиятга меҳнат ресурсларини тақсимлаш жиҳатлари кирмоқда ва қарор топмоқда, улар халқаро статистик таъминотлар асосида кўришмоқда, бунинг натижасида бошқа мамлакатларнинг тегишли кўрсаткичлари билан таққослашга эришиладиган бўлаётми.

Халқаро жиҳатлардан бири меҳнат билан бандларни «иқтисодий фаолият турлари бўйича» тақсимлашдир. Бу жиҳатнинг мазмуни иқтисодий

фаолият турларининг классификатори маҳсулот ва хизматлар классификатори деб белгиланган. Унга халқаро стандарт тармоқ таснифлаши ва халқаро асосий маҳсулотлар классификатори киради, улар БМТнинг статистика комиссияси томонидан ишлаб чиқилган.

Меҳнат ресурслари ва ундан самарали фойдаланиш жараёнида бозор иқтисодиёти билан боғлиқ бир қатор тушунчалар қам мавжуд бўлиб, уларни алоҳида ўрганиш муҳим ўрин тутди.

Меҳнат ресурсларини тақсимлашга боғлиқ равишда инсон ресурсларининг имкониятлари ривожланиш омиллари сифатида катта ёки кичик бўлиши мумкин. Масалага ана шу тарзда ёндашиш жамиятнинг меҳнат потенциалини, ҳудудни, корхоналарни ўрганиш ва аниқлаш имконини беради. Меҳнат потенциалини сифат ўлчовидаги меҳнат ресурслари сифатида таърифлаш мумкин. Юқорида айтилганлардан шу нарса аниқки, «меҳнат потенциали» тушунчаси меҳнат ресурслари ва иқтисодиётнинг ўзаро таъсирини ўрганишга ёрдам берадиган алоҳида омилдир.

Биз яна «меҳнатни татбиқ қилиш самарадорлиги» таърифини ҳам аниқлаб олишимиз керак, у меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг тавсифларидан биридир. Ҳар қандай фаолият туридаги самарадорлик, пировард натижада, вақт билан ўлчанади, вақт маҳсулот бирлигини ёки хизматлар бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланади, бунда маҳсулот ва хизматлар сифатига қўйиладиган талабларга катта эътибор берилади. Ана шу нуқтаи назардан меҳнатни татбиқ этиш самарадорлиги — юқори сифатли пировард натижага меҳнат сарфини камайтиришга олиб келади.

Моддий неъматлар ишлаб чиқаришда меҳнатни татбиқ этиш самарадорлигига меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ёрдамида баҳо берилади. Моддий неъматлар ишлаб чиқарилмайдиган жойларда (масалан, таълим, соғлиқни сақлашда) фаолиятнинг ана шу турлари пировард натижасини акс эттирадиган турли кўрсаткичлар татбиқ этилади.

Меҳнат ресурсларини тақсимлаш турларидан бири мамлакат ҳудуди бўйича тақсимлаш бўлиб, у ҳам муайян фойдали ахборотга эга бўлади. Республика ҳудуди иқтисодий ривожланиш даражаси, кишиларнинг фаровонлиги ва демографик ривожланиши билан фарқ қилади. Масалан, Фарғона водийси вилоятларининг Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари билан бўлган фарқи бунга яққол мисол бўла олади. Бу фарқлар ҳудудлардаги меҳнат ресурсларининг ўзига хос шаклланиши ва улардан фойдаланишда ўз ифодасини топади. Бу хусусиятни билиш меҳнат ресурслари ҳақидаги тасаввурни бойитади ва шу сабабли минтакавий даражадаги меҳнат муносабатлари соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш имконини беради. Пировард натижада барча меҳнат муаммолари қандайдир бир ҳудуд билан боғлиқ бўлади.

Меҳнат ресурси меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли (аёллар 16-55 ёшда, эркеклар 16-60 ёшда) сонига ўз ифодасини топади. Бу ёшдаги ногаронлик ва бошқа сабаблар билан ишламайдиганлар меҳнат ресурсига қирмайди. Демак, меҳнат ресурси деганда аҳолининг матълум чегараланган ёшдаги ишлай оладиган фаол қисми тушунилади.

Ишлаб чиқаришнинг инсон омили, фақат сон кўрсаткичлари, демографик, тармоқ, касб ва малака тузилмалари билан тасвирланиб қолмасдан, шу билан бирга, у меҳнатга бўлган муносабат кўрсаткичларининг ана шу белгиларидан ташқари ташаббускорлик, тадбиркорлик, қизиқишлар, эҳтиёжлар, қадриятлар, турли вазиятлардаги ҳуқ-атвор усуллари билан тавсифланади.

Меҳнат ресурсларига нисбатан анча олға ташланган қадам бўлган инсон омили тушунчаси, муайян чекланишга ҳам эга: одамлар унинг доирасида жамиятнинг асосий бойлиги сифатида эмас, балки уларга нисбатан ривожланиш жараёнларининг ташқи омили сифатида қаралади.

Инсон омилини фаоллаштиришни ходим меҳнат фаолиятининг ижтимоий-психологик жиҳатлари нуқтаи назаридан ҳам, қараб чиқиш зарур.

Биринчидан, ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мураккаблашади. Ишлаб чиқариш фаолиятининг техникавий, ташкилий ва иқтисодий томонлари инсон омилига (субъектив омилга), меҳнат жамоасида қарор топган ижтимоий-психологик иқлимга тобора кўпроқ боғлиқ бўлиб боради, бу иқлим фақат айрим ходимнинг эмас, умуман корхонанинг ҳам меҳнат потенциалини рағбатлантиради, шу билан бирга унинг ривожланишини қўллаб-қувватлаб туради.

Иккинчидан, ишлаб чиқаришнинг жадаллашуви ва унинг техника билан қайта қуролланиш жараёнининг тезлашуви, ходимнинг меҳнат потенциалларини амалга оширишга таъсир кўрсатувчи меҳнат фаолияти шарт-шароитларини динамик равишда ўзгартиради.

Учинчидан, ишлаб чиқариш тизими ёки кичик тизими кечикиб қолади, баъзан эса кадрларнинг ортиб бораётган ҳаракатчанлиги, кишиларнинг ижтимоий манфаатларининг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга тайёр бўлмайди. Демак, ҳозирги вақтда корхоналар ва бирлашмаларни иқтисодий потенциалини техникавий даражанинг ортиши эмас, ижод қилиш, ихтиро этиш, янги билимларни ўзлаштириш қобилиятини акс эттирувчи инсон ОМИЛИ белгилаб беради.

Ҳозирги вақтда инсон омилини фаоллаштиришнинг уч йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, бошқарув тизимини америкача «оқилона» бошқарув мактаби руҳида жорий қилиш ва ишнинг пировард натижалари учун рағбатлантиришга уриниб кўрилмоқда.

Иккинчидан, корхоналарда бошқарувнинг япон тизимини жорий этиш масалалари ўрганиб чиқилмоқда.

Учинчидан, жамоа ва айрим ходимни бошқаришнинг мустақил «европача» назарияси сифатида ташкилий ёки бошқарув назариясини ишлаб чиқиш амалга оширилмокда (айниқса, Швейцария ва Бельгияда, камроқдаражада — Франция ва Германияда), лекин баъзан ана шу назария белгиси остида амалга оширилаётган ишланмалар ҳам америкача, ҳам японча бошқарув мактаблари билан мустаҳкам қушилиб кетмокда.

Шундай қилиб, инсон омилини фаоллаштириш кўп қиррали муаммо сифатида намоён бўлмокдаки, унга ахлоқий қадриятларни шакллантиришнинг мураккаб жараёнлари, оила ва мактаб, хонаки тарбия, жамиятни жисмоний соғломлаштириш, маданий анъаналарни сақлаб қолиш, кадрлар ва ижтимоий сиёсат, таълим ва ҳоказо муаммолар киради. Инсон омили тузилишидаги асосий ўзгаришлар ҳозирги жамиятда қуйидагилар билан кўзга ташланади:

Биринчидан, бу ижтимоий ва маданий соҳалардаги ижтимоий ҳуқуқ-атвор андозаларидаги, синфий ва сиёсий тузилмалардаги, шунингдек, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий қарорлар қабул қилиш тамойилларидаги микроэлектрон инқилоб туфайли вужудга келган ўзгаришлардир. Микроэлектрон инқилоб иш билан бандлик тузилмасини, меҳнат характерини ва ролини ўзгартирмокда.

Иккинчидан, жамиятда супермарказлаштирилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузилмалардан кўпроқ қарорлар қабул қилинадиган қуйи даражадаги маҳаллий тузилмаларга ўтиш жараёни тобора фаоллик билан амалга оширилмокда. Бу ўзгаришлар «меҳнат жамиятининг ўлими» деган концепция яратилишига олиб келди, унда ҳозирги давр индустриал жамиятдан пост индустриал ёки ахборот жамиятига ўтиш сифатида тавсифланади.

Ахборот жамияти унинг назариётчилари (Д. Боков, О. Тоффлер) томонидан цивилизация ривожигаги мутлақо янги босқич ва меҳнат

жамиятини инкор қилиш сифатида қаралади, лекин чегаралашдаги асосий ўзак меҳнат ҳисобланади.

Учинчидан, меҳнат этикаси муайян тангликка учраганлигига қарамасдан (бу танглик, аввало, кўпгина кишиларнинг ҳаётида меҳнат марказий ўрин эгалламай қолганлигида намоён бўлмоқда), омманинг онгида меҳнатнинг қадри ҳали юқоридир. Аҳоли турли ижтимоий-касбий гуруҳлари меҳнатга иккинчи ўрин ажратганлар. Қадриятларнинг умумий поғонаси оила биринчи ўринни эгалламоқда, учинчи ва тўртинчи ўринлар моддий таъминот ва фаровонлик ўртасида тақсимланмоқда. Бироқ, оила ҳам, айниқса, моддий таъминот ҳам меҳнат билан мустаҳкам боғлиқдир. Хатто ўз касбини севмайдиган кишилар ҳам бу касб турмушларини тўлдириб ва ташкил этиб турганлигини кўрсатиб ўтадилар. Кун, ҳафта, йил меҳнат маромига бўйсунди: худди шу тариқа иш ўрни, хонадон, дам олиш жойи ҳам функционал равишда тақсимланади.

Меҳнатнинг ишлаб чиқариш соҳасидан суриб чиқарилаётганига қарамасдан, бу концепциялар инсон ролининг ниҳоятда ортиб боришини назарда тутди. Ҳақиқатан эски, хусусий, бир хил тарздаги меҳнат эмас, балки хилма-хил, яхлит ва ижодий меҳнат самарали бўлиб бормоқца. Бундай меҳнатни назарда тутувчи янги касбларнинг пайдо бўлиши қаттиқ поғоналаштиришга барҳам бермоқда, бундан ташқари, инсон энди машинанинг қўшимчаси, «қисман» ходим бўлишдан тўхтади. Ахборот жамияти ишда банд бўлганларнинг қарорлар қабул қилишда иштирок этишини, меҳнат операцияларининг қаттиқ, ёзиб қўйилган дастурини танлаш имконини берадиган шарт-шароитларни, ижодкорликни рағбатлантирадиган шарт-шароитларни назарда тутди. Бунинг учун мазкур жамиятга марказлашувдан холи ячейкалар тамойили асосида қурилган, максимум демократияни таъминлайдиган янги ташкилий шаклларнинг пайдо бўлиши муқаррардир.

Агар индустриал жамият кишилари фаолиятининг асосий қадриятлари ва сабаблари физиологик эҳтиёжларни ва хавфсизликка, таваккалчиликдан химоя қилишга бўлган интилишни қондиришдан иборат бўлса, постиндустриал жамиятга ўтиш эса бошқа қадриятларни: алоқаларга, муомалага, обрў-эътиборга интилиш ва пировард натижада мақсад сифатида — шахснинг ўз-ўзини намоён қилишга интилишини фаоллаштиради. Албатта, қадриятлар ва сабабларни ўзгариши кейинги ўн йилликларнинг иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ бўлиб, улар турмуш даражасини кескин равишда оширди ва турмуш стандартларини сифат жиҳатдан, ўзгартирди. Бу ҳол шахснинг алоҳидалиги ортиб боришига ва ҳаётнинг меҳнатдан узоқбўлган соҳалари ақамиятини оширишга олиб келди. «Меҳнат аллергияси»нинг, меҳнатдан бўйин товлашнинг вужудга келиши, ундан маънавий манфатдорликнинг йўқолиши, умуман меҳнат одобининг сусайиши кўп жиҳатдан қадриятли йўналишлар тизимидаги силжишлар, аввало, ўртача янги қатламларнинг моддий йўналишларидан постиндустриал йўналишларга силжиши билан ва бу йўналишларнинг жамиятдаги бошқа қатламларга кириб бориши билан изоҳланади.

Ҳозирги вақтда жамиятнинг иқтисодий тизимида инсоннинг роли ва тутган ўрнига баҳо беришга мос келадиган «инсон капитали» тушунчасининг аҳамияти қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

—мазкур концепцияда инсон иқтисодий, ижтимоий ва алоҳида жиҳатларнинг бирлиги сифатида қаралади;

—«инсон капитали» тушунчаси инсонни меҳнат фаолиятида тавсифлаб берадиган сифатлар ва қобилиятларнинг уч гуруҳи: жисмоний, ақлий ва психологик гуруҳлари ажратиб кўрсатилади;

—инсоннинг жамият иқтисодий тизимидаги ролини аниқлаш учун «капитал» тушунчасидан фойдаланиш инсон капиталига инвестиция қўйиш зарурлиги ва ана шу қўйилмалардан узоқ вақт мобайнида самара олиш мумкинлигини кўрсатади;

«инсон капитали» тушунчаси меҳнат бозорида мустақил агент бўлган эркин шахснинг таърифи ҳисобланади

Меҳнат ресурслари ялпи аҳолининг бир қисми сифатида аҳолининг такрор ишлаб чиқарилиши (яъни унинг доимий равишда тикланиб туриши)ни акс эттиради. Шунинг учун меҳнат ресурслари сонининг динамикаси, пировард натижада, аҳоли сони динамикасини акс эттиради. Ўсмирлар ва пенсионерларнинг меҳнат билан бандлик даражасидаги ўзгаришлар фақат меҳнат ресурсларига эмас, балки аҳолининг сонига ҳам таъсир қилди.

Бутун аҳолининг ва унинг меҳнатқаш қисмидаги динамиканинг хилма-хил йўналишда яққол ифодаланган ўзгариши воқеаларининг нормал боришдан четга чиқиш деб қаралади. Ана шу сабабли нормал ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун ноқулай шарт-шароит яратди.

Шундай қилиб, биз меҳнат ресурслари бутун аҳолига тааллуқли жараёнлар билан бевосита боғлиқлигини эътироф этган ҳолда, меҳнат ресурслари динамикасининг маълум даражада нисбий «мустақиллиги»га эътиборни қаратамиз, у мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ бўлган демографик асосни яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Шу маънода «меҳнат ресурслари» ижтимоий ва демографик ривожланишни таҳлил қилиш ҳамда асослаб беришнинг ўзига хос методологик воситаси бўлиб майдонга чиқади.

Меҳнат ресурсларини шакллантиришнинг минтақавий хусусиятлари, аввало, демографик ва социал-иқтисодий омилларнинг таъсири билан боғлиқдир. Демографик омилларга аҳолининг такрор ишлаб чиқарилишидаги жадаллик киради, у ҳал қилувчи даражада туғилиш даражаси билан боғлиқдир. Бу даража қанчалик юқори бўлса, меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли, демак меҳнат ресурслари шунчалик тез ўсади.

Ижтимоий-иқтисодий омиллардан меҳнат ресурсларини шакллантириш учун анча аҳамиятлиси минтақадаги ишлаб чиқариш ва иқтисодий конъюнктура тузилмасининг хусусиятлари (меҳнат унумдорлигининг ўсиши)ни айтиб ўтиш мумкин. Бу ҳол ишловчи ўсмирлар ва ишловчи пенсионерлар сонига таъсир қилади. Иш ўринларининг, айниқса, ўсмирлар ва катта ёшдаги ишловчиларнинг меҳнатдан фойдаланишга мос келадиган иш ўринларининг мавжудлиги ишлаб чиқариш тузилмаси билан боғлиқдир.

«Меҳнат ресурслари» бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ривожлантириш, миллий иқтисодиётда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга. Мамлакатда инсон ресурслари фаоллигани, сифатини оширишга муҳим эътибор берилмоққа. Айниқса, инсон ресурсларини тўғри жойлаштириш, уларни бошқаришни тўғри ташкил этиш бу ресурслар сифатини ошириш омилidir.

«Меҳнат ресурслари» тушунчаси инсон ресурсларига бутун борлигича давлат таъсирини ўтказиш учун кенг имконият очиб берадиган ҳақиқий топилма бўлди. Шунга мувофиқ статистик ахборот шаклланди ҳамда ҳисобга олиш ва режалаштиришнинг муҳим воситаларидан бири сифатида меҳнат ресурслари баланси ҳам вужудга келди.

Бироқ, юқорида айтиб ўтилганлардан мазкур тушунча бозор иқтисодиёти учун яроқсиз, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. Аксинча, бозор иқтисодиётининг дастлабки қадамлари шуни кўрсатдики, инсон ресурслари бозор категориялари тизимида батамом сингаб бормоқда. Инсон ресурсларининг ахборотни қамраб олиши ундан меҳнат бозорини давлат йўли билан тартибга солишда самарали воситаси сифатида фойдаланиш имконини беради.

Шундай қилиб, инсон ресурслари иқтисодиётда меҳнат билан бандларни ҳам, банд бўлмаган, лекин меҳнат қилишлари мумкин

бўлганларни ҳам қамраб олади. Бошқача айтганда, инсон ресурслари реал ва салоҳиятли ходимлардан иборат.

Зеро, меҳнат бозорида амал қиладиган иқтисодий қонунлар меҳнатдан фойдаланишни узликсиз яхшилаш, иш билан бандлик, ишсизлик каби доимий иқтисодий воқеяликнинг табиий жиҳатдан таъминлайди. Шунинг учун ҳам бандлик муаммоларини ўрганишда меҳнат бозорининг амал қилиш жараёнлари, у ердаги талаб ва таклифнинг ўзаро мувофиқ қилишлиги муаммоларига алоҳида эътибор беришимиз лозим. Меҳнат бозори ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни тартибга солади, макроиқтисодий даражада ишчи кучини тақсимлайди, ишчи кучининг касб ва географик жиҳатидан ҳаракатланишини таъминлайди. Ишсизлик муаммоси меҳнат бозорининг энг муҳим масаласи бўлиб, ишчи кучи таклифининг талабдан ортиқчалиги натижасида юзага келади. Ана шундай номуносибликларнинг чуқур ўрганиш асосида ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса меҳнат бозорида фаол сиёсат олиб бориш борасидаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш, жамоат ишлари тармоғини кенгайтириш, ишсизларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириб бориш ва янги иш жойларини барпо этиш зарур. Ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ эта бориш керак.

Бозор иқтисодиётини амал қилишнинг асосий иқтисодий тамойилларидан бири бандликни юксак цивилизациялашган турларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ва бошқариш, меҳнат бозори талаблари асосида инсон имкониятларини товарга айлантириш ҳисобига кишиларни моддий фарвонлигини таъминлашдан иборатдир. Замонавий меҳнат бозори ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни ташкил этишдан тортиб, инсонга энг мақбул иш ва иш ўринларини яратиш унга боғлиқ бўлган жиддий молия-кредит, техник, инвестицион ҳамда ижтимоий сиёсат

юритишни комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш, уни ҳаётга жорий этишни талаб этади.

Меҳнат бозорини амал қилиши кўплаб омиллар билан боғлиқ бўлиб, бу омиллар куйидагилардан иборат:

- аҳолининг сони ва ёшининг таркибий хусусиятлари, уларнинг малакавий тавсифига (характеристикасига);
- ишчи кучи манбасидан, ижтимоий ишлаб-чиқаришга қўшимча кучларни жалб этиш учун шароитлар яратиш;
- ишчи кучининг ҳудудлар бўйича жойлаштириш ишлаб чиқариш таркиби, ўсиш даражаси ҳамда ҳажмини кенгайтириш;
- меҳнат ресурсларини бошқаришни йўллари ва услубларини амалдаги шаклини такомиллаштириш.

Бу омилларни қай даражада иқтисодий жараёнларда амал қилишига қараб ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф орасидаги мутаносиблиги бузилиши ва ёки аксинча улар орасидаги ўзаро мувофиқлик таъминланиш мумкин. Маълумки, меҳнат бозорининг асосий унсурларини ишчи кучи таклифи ва унга талаб, ишчи кучи баҳоси ёки иш ҳақи ташкил этади

Инсоннинг ҳар иккала сифати — жисмоний ва маънавий ривожланиши, тасаввурларининг аҳамияти иқтисодиёт ривожланиб боришига қараб ўзгариб боради. Бу ҳол, ўз навбатида, меҳнат соҳасидаги мавжуд жаҳон тамойилини тўлиқ акс эттиради, иқтисодиётда ва умуман, жамиятда тез ва чуқур ўзгаришлар бўлиб турган даврда, кишилардаги жисмоний ва маънавий фазилатларининг роли, айниқса, ортади.

1.3. Меҳнат ресурсларини жойлашиш қонунияти

Мамлакат ва ҳудудий даражаларда меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланш яхлитдир, чунки уларнинг мақсадли йўналиши бир хил. Уларнинг ҳажм, сифат ва тузилма кўрсаткичлари ҳам умумийдир, лекин улар сон жиҳатидан демографик муҳит, табиий-иқлим шароитлари, ҳудуд хўжалигининг ривожланиши даражаси ва бошқа ҳоллатга кўра бир хил эмас. Улар фақат меҳнат ресурсларининг миқдори бўйича эмас, балки оқилона бандликни таъминлаш имкониятларига кўра ҳам хилма-хил. Шу нуқтаи назардан меҳнат ресурслари кўпчилиكنинг диққатани жалб қилади. Улар таркибида кўплаб банд бўлмаганлар, айниқса, ёшлар ва аёлларнинг мавжудлиги фақат ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишини пасайтирибгина қолмай, балки ижтимоий, милатлараро ихтилофларни ҳам келтириб чиқаради.

Меҳнат ресурслари жойлашишининг ҳудудий жиҳатларини ўрганишда бу ресурслар жойлашишининг ижтимоий, ҳудудий томонлари кам ўрганилганлигини ҳисобга олиш зарур. Чунки бу борадаги илмий ишлар бандлик муаммоларига қаратилган бўлиб, фақатгина ресурслар йўналишига эга.

Меҳнатнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига кўра, ҳар бир ҳудудда маълум одамлар гуруҳи жойлашган бўлиб, улар бир-биридан у ёки бу даражада ажралиб қолишган, яшаш учун фақатгина шу ҳудуд табиий ресурсларидан фойдаланганлар. Шу сабабли у ёки бу жойда ишлаб чиқаришнинг муайян турлари ривожланган. Муайян табиий ресурслар, доимий алоқаларнинг йўқлиги ҳар бир жойда ажралиб қолган меҳнат ресурслари пайдо бўлишига олиб келган. Ишловчиларнинг ҳудудий бегоналашишини енгиш ҳисобига тармоқ бўйича меҳнат тақсимоти ривожланиши натижасида меҳнат ресурслари ҳудудий ва тармоқ нуқтаи назаридан биргаликда мавжуд бўлган.

Маъмурий-худудий район тармоққа нисбатан анча мураккабдир. Агар тармоқ маълум муносабатда бир турдаги коркона (бирлашма, ташкилот)лар йиғиндиси бўлса, ҳудуд эса, иқтисодиёт ва маданиятнинг турли тармоқлари йиғиндиси бўлиб, шу ҳудуддаги моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилишни қамраб олади.

Кўпчилик иқтисодий жараёнлар мамлакатдаги алоҳида ҳудудлари хусусиятларига жиддий боғлиқ. Шу боис ҳудудлардаги фарқларга ҳар қандай эътиборсизлик жамиятнинг иқтисодий имкониятларидан тўла фойдаланмасликка олиб келади.

Ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши билан инсон ресурслари иқтисодий фаолияти учун табиий омилнинг аҳамияти камаймайди. Лекин фан-техника тараққиётининг тезлашуви шунга олиб келадики, табиий-географик фарқлар аста-секин одамлар ўртасидаги доимий иқтисодий алоқаларнинг кучайиши ва кенгайиши учун тўсиқ бўлишдан тўхтади.

Ҳудуднинг инсон ресурслари салоҳиятини тавсифловчи умумий омилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- меҳнатга лаёқатли аҳоли сони;
- инсон ресурсларининг ёши ва жинси бўйича таркиби, соғлиғи, меҳнатга лаёқатли аҳолининг қобиляти ва жисмоний ривожланиши даражаси;
- умумий ва махсус таълим даражаси;
- интизомлилик, жавобгарлилик, тадбиркорлик, ишлаб чиқаришда хўжайинлик ҳиссининг ривожланганлик даражалари.

Ҳудудларда ишчи кучининг ортиб ёки пасайиб кеташи бир хилда.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, ишчи кучининг етишмаслиги ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланмасликка ва мавжуд ишловчиларнинг ҳаддан ташқари кўп меҳнат қилишига, ортиб кетиши эса, инсон ресурсларидан тўлиқ фойдаланмасликка олиб келади.

Табиий - иқлим омиллари инсон ресурсларининг сон ва сифат кўрсаткичларига ҳудуднинг қулай географик жойлашувчанлиги, табиий ва хом ашё ресурсларининг мавжуддиги, нисбатан қулай иқлим шароитлари орқали таъсир қилади. Шу билан бирга фан-техника тараққиётининг ўсиши, транспорт алоқаларининг ривожланиши инсон ресурслари миқдорини сезиларли даражада камайтиряпти.

Ҳозирга кунда инсон ресурсларининг ҳудудий жойлашишини ўрганишда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший инфратузилмани режалаштириш ва бошқариш билан бирга аҳоли миграция жараёни ва уни такрор ишлаб чиқариш жараёнларига ҳам эътибор бериш талаб этилади.

Республика аҳолиси ҳудудлар бўйича бирдай жойлашган эмас, бинобарин, аҳолининг ўртача зичлиги жиҳатидан Ўзбекистон МДХга кирган қатор мамлакатлардан ва Марказий Осиёдаги бошқа республикалардан олдинда туради. Аҳоли сони тез кўпайиб бораётганлиги сабабли ҳар квадрат километр ҳудуд ҳисобига унинг зичлиги 2000 йилнинг бошида 1959 йилдагига нисбатан 3 баравар ортди ва ўрта ҳисобда 50,4 нафарни тақшил этди.

Табиий шарт-шароитлари ўзига хос хусусиятларга — тоғ, дашт, воҳа иқлимига эга бўлган Ўзбекистонда аҳолининг асосан воҳаларда яшаши кўзга ташланади. Жумладан, Фарғона водийсининг уч вилояти (Андижон, Наманган, Фарғона) Ўзбекистон ҳудудининг атиги 4 фоиздан ортиқроғини эгаллагани ҳолда у ерда аҳолининг қарийб 28%и истиқомат қилади.

Республикаимиз аҳолиси турли ҳудудларда ҳар хил зичликда истиқомат қилади, жумладан:

- Фарғона иқтисодий район ҳисобланиб, унда ҳар кв. км. майдонда 290 нафардан ортиқ;
- Тошкент иқтисодий районида ҳар бир кв. км.га 275 нафар;
- Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё иқтисодий районларида ҳар

кв.км.га 60-65 киши;

- Букоро, Навоий, Қорақалпоғистон кудудларида эса аҳолининг зичлиги ҳар кв. км.га 7,7 нафардан 12 нафаргача тўғри келади.

Кўриниб турибдики, Фарғона иқтисодий райони, кусусан, Андижон вилояти республикамизда аҳоли энг кўп, зич ҳудуд экан.

Умумий ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсиши омилларқдан бири ишлаб чиқариш кучларининг жойлашишини якшилашдир.

Самарали ҳудудда меҳнат тақсимооти шуни кўрсатадики, ҳар бир иқтисодий ҳудудда маълум турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиши ривожланади. Айнан шу маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига умумий меҳнат сарфи кам бўлади ва табиий ҳамда меҳнат ресурсларининг тўлиқ ишлатилишини таъминлайди.

Шунинг учун иқтисодий туманлар ихтисослашуви ижтимоий маҳсулотнинг самаралироқ ишлаб чиқарилишини, шу тариқа ҳар томонлама ривожланишини ҳам таъмин этади.

Шунингдек, фан-техник соҳасидаги ютуқлар транспорт тармоғининг кенг ёйилишига олиб келиб, ўз навбатида, хом ашё манбаларига яқин ҳудудларда ва меҳнат захиралари ски у ёҳуд бу турдаги маҳсулотларнинг йирик истеъмолчилари жойлашган ҳудудларда саноат корхоналари қуришга имкон яратади. Бу эса, кўпгина қайта ишлаш саноати тармоқларини мамлакат миқёсида туғри тақсимлаш имконини беради.

Ҳар бир иқтисодий ҳудудда машинасозлик, кимё, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари корхоналари мавжуд.

Ҳар хил иқтисодий ҳудудларда меҳнат ресурсларининг ҳақиқий ўсиши ҳам бир хил эмас. Жадал ўсиши тез-тез кузатилмайди, чунки айрим ҳудудларда улардан фойдаланиш учун табиий ресурслар кам.

Аммо айрим ҳудудларда, яъни табиий ресурсларга бой жойларда ишчи кучи етишмаслиги кутилади. Буларнинг барчаси ҳўжалик юритишда маълум қийинчиликлар туғдиради.

Макроиктисодиёт даражада ишчи кучини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида давлат асосан рағбатлантирувчи ва жиловлаб турувчи чораларни амалга ошириши керак. Кишлоқ ҳўжалигида ишчи кучининг усиши жиловлаб турувчи механизмга ва унинг муайян қисмини иктисодиётнинг бошқа соҳалари учун бушатиб олишга муҳтож. Ўзбекистон кишлоқ ҳўжалигида ҳозирда мавжуд миқдордаги ишчи кучига эҳтиёж йук. Бушатиболинган ишчи кучини умуман, иктисодиётнинг ривожланиб бораётган инфратузилмасида, шунингдек, кишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришида, хусусан, самарадорлик нуктаи назаридан хусусий мулкка асосланадиган қайта ишлаш саноатини ривожлантириш йули билан ишга солиш зарур.

Хусусий сектор асосан тажрибали мутахассисларни ишга олишни хоҳлайди. Бинобарин, бу уринда ёш мутахассисларга талабнинг йуклиги вақт утиши билан уларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишлашга булган рағбатни сундиради. Урта махсус укув юртлирини битирган ёшларни ишга жалб этадиган корхона ва ташкилотларнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши Ушбу муаммонинг ечимига хизмат қилиши мумкин. Солик соҳасида маълум имтиёзлар бериш анна шундай рағбатлантириш чораси бўлиши мумкин. Шунда корхона ва ташкилотлар урта махсус укув юртлирини битириб чиққанларни танлов асосида саралаб олиши мумкин. Қупчилик мутахассисликлар бўйича укув юртлирига қабул қилинадиганлар сонини қайта қуриб чиқиш керак. Ихтисослик бўйича асосий машғулотларни бевосита корхона ва ташкилотларга утқазиш талабаларнинг булгуси қасблари билан олдиндан танишишига ёрдам беради. Ҳозирги кунда таълим ишлаб чиқаришдан ўзилаб қолган бўлиб, факат назарий характерга эга. Азалдан олинган таълим биринчи навбатда амалиётда қуллаб қелинган ва, шунинг

окибати уларок, иктисодий жихатдан самарали булиб келган. Таълим амалиётда куллансагина фойдали булади.

Ишчи кучидан макроиктисодиёт даражасида фойдаланиш энг аввало, иктисодий жихатдан самарали булиши керак. Бошқача килиб айтганда, у меҳнат унумдорлиги доимо ошиб бориши билан боглик булиши керак. Иш хаки тулаш меҳнат унумдорлиги усишига эришиш учун биринчи даражали ахамиятга эга.

Меҳнат ресурсларидан тула-тукис ва самарали фойдаланиш учун давлат ишчи кучини шакллантирувчи барча таркибий воситаларига таъсир утказиши керак. Бу йулдаги хал килувчи кадам давлат корхоналарини хусусийлаштириш, шунингдек, хусусийлаштирилган корхоналарда акциялар пакетларининг давлатга карашли улушини камайтиришдан иборат. 2003 йилда нодавлат ишлаб чиқариш сектори улушига ЯИМнинг 73,9 фоизи тугри келдики, бу холл мазкур сектор ривожланиб бораётганлигидан далолат беради. Инвестициялар жалб этиш, биринчи навбатда, давлатнинг ички ресурсларидан, жумладан, хусусий жамгармалардан инвестициялар жалб этиш чораларини кучайтириш иктисодиётимиз учун кудратли ички имкониятдир. Шунини айтиш жоизки, аҳолининг тижорат банкларидаги депозитларга куйган омонатлари 2003 йилда миллий валютада 86 фоизни ташкил этди. Бу эса, аҳоли орасида пул жамгариш жараёни кечаётганлигидан далолат беради.

Хозирги замон ишчи кучи бозорини ташкил килиш зарурати куйидаги объектив шарт-шароитлар билан белгиланади:

1) Ишчи кучини шакллантириш, таксимлаш ва кайта таксимлаш ҳамда бандлик жараёнларини тартибга солиш хаддан ташқари юкоридан ташкил килинган булиб, экстенсив ижтимоий усишни ифодалайди. Бир неча ун йилликлар давомида утказиб келинган «Барча Республикалар учун умумий булган ягона бандлик сиёсати» Ўзбекистоннинг худудий хусусиятларини,

демографик жараёнларни, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг миллий-этник, ижтимоий омилларини ҳисобга олмади, бандликни таъминлашга иқтисодий ўсишни таъминлаш омили сифатида эмас, балки шунчаки мақсад сифатида қараб келинди. Натижада аҳоли бандлиги муаммоси долзарб муаммога айланиб қолди.

2)Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ривожланиб бориши иқтисодиётдаги тўб таркибий ўзгаришлар билан бормокда. Натижада ишлаб чиқаришнинг ишчи кучига бўлган эҳтиёжи ҳам тўхтовсиз ўзгариб бормокда. Бунда ишчи кучига талаб ва таклифни, меҳнат бозорига кириб келаётган аҳолининг асосий тоифалари меҳнат жараёнига қираётган ёшларни, ишлаб чиқаришдан бўшаётган ишчилар, мутахассисларни олдиндан ишламаётган, ишга жойлашишга муҳтож бўлган аҳолини ҳисобга олиш зарур.

3)Турли мулкчиликни шакллантираётган шароитда хусусийлаштириш жараёнлари иш жойларини муқобил танлашни кенгайтириш, турли мулк шаклларидаги корхоналар бўйича ишчиларнинг жойлаштирилишини кўчайтиришни зарур қилиб қўяди.

4)Республика халқ хўжалиги меҳнат ресурслари билан ортиқча таъминланган, бу ерда иш вақтини тежаш қонуни талабларга риоя қилинмайди. Бозор муносабатларига ривожланиб боришида корхоналар индивидуал харажатларини ижтимоий зарур даражагача пасайтиришга мажбурлаш орқали бу қонунни ҳаракатлантиради.

5)Иқтисодиётни оғир аҳволдан олиб чиқиш учун ишлаб чиқаришни ташкил қилишда тўб ўзгаришлар яшаш, малкали меҳнатни рағбатлантириш лозим. Бунга бозор муносабатларини меҳнат соҳасига қўллаш орқалигина эришиш мумкин бўлади.

Юқорида қайд қилинган шарт-шароитларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда меҳнат бозорини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини келтириб чиқаради. Бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган меъёрга амал

киладиган мукаммал бозорни шакллантириш учун куйидаги шартлар бажарилиши керак:

-талаб ва таклифнинг эркин амал килишини кафолатловчи ҳукукий асосларнинг мавжудлиги;

-мехнат бозори инфраструктурасининг мавжудлиги;

-иш хаки миқдорининг чегараланмаслиги;

-уй жой бозорининг мавжудлиги.

Мехнат бозорига утиш шароитида меҳнаткашларнинг реал ахволини икки муҳим курсаткич-ижтимоий ҳимояланганлик ва ижтимоий адолатнинг таъминланганлиги даражаси билан ифодаланади. Ижтимоий ҳимоя инсон ва ижтимоий гуруҳнинг жамит ва ҳужаликдаги ахволининг тавсифланишидан иборат бўлиб, бу уларнинг ижтимоий тузумдаги тутган урн ива даражасини ифодалайди.

Мақоний жихатдан энг кичик меҳнат бозори ҳудудий меҳнат бозори бўлиб, маълум бир маънода уни маъмурий (давлат, мамлакат) меҳнат бозори деб юритиш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, меҳнат бозори фаолияти қуйидаги омилларга боғлиқ:

-аҳоли сони, ёши ва жинсининг салмоғидаги ўзгаришларга;

-ишчи билан бандликдаги тарқок ва ҳудудий ўзгаришларига;

-қушимча ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш мезонига;

-ишлаб чиқариш ҳажмига, унинг ўсиш суръатига, ишлаб чиқариш тузилмасига;

-ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий жойлашувига;

-меҳнат ресурсларини бошқариш ўсулига.

Мехнат бозоридаги вазият юкоридаги омилларнинг таъсирида узгариб туради ва шунга мос равишда ишчи кучига булган талаб ва таклиф хажми аникланади.

Яқин келажакда Ўзбекистонда иш билан бандлик муаммолари кескинлигича колаверади. Чунки мехнатга лаёкатли ёшдаги аҳолининг кўпайиш суръатлари юкори бўлиб колавериши, мехнат унумдорлиги усиши, корхоналарнинг банкрот булиш жараёнлари, уларнинг ишлаб чиқариш сохалари янада фаолроқ ўзгартирилиши маъмурий ислохотлар ва иктисодиётдаги бошка бозор узгаришлари юкори суръатлар билан давом этиши кутилмоқда.

Кишлоқ мехнат ресурслари доимий усишда, холбуки, шаҳарда бу курсаткич муттасил камайиб бормоқда. Кишлоқ жойлардаги иш билан бандлик муаммолари шаҳарлардагидан кура анча кескин эканлигини хисобга оладиган булсак, иш билан банд булмаган ишчи кучини бушатиб олиш ва уни амалий лаёкатлар ҳамда воситалар ёрдамида иктисодиётнинг бошка тармоқларига қайта таксимлаш зарур деган хулоса чиқариш мумкин.

Ўзбекистон иктисодиётини ислох қилиш жараёни жаҳон цивилизациясига хос зиддиятлар, жумладан, Фан-техника таракқиёти билан ишсизликнинг пасайиши, мехнатнинг характери, шароитлари билан унга ҳақ тулаш уртасидаги зиддиятлар каторида фақат республикамизга хос муаммолар ҳам борлигини курсатди. Республикамизга хос муаммолар турмуш даражаси ва мехнат самарадорлиги унча юкори булмагани холда аҳолининг мехнатда дужа фаоллиги билан, кадрлар ҳудудлар ва тармоқлар бўйича етарли даражада ҳаракатчан эмаслиги, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳар доим ҳам, бозор шароитларига мос келавермаслиги билан, мехнат бозорининг инфратузилмаси ривожланмаганлиги билан боғлиқдир.

Иктисодиётни барқарорлаштириш шароитида аҳолини иш билан банд қилиш ва уни қайта шқаллантиришнинг муҳим қоидаси иктисодий ва социал

натижаларни мурасага келтиришдан иборат. Бу эса баркарорлаштиришга каратилган чора-тадбирларнинг хама вариантлари уларнинг мехнат бозорига таъсири нуктаи-назаридан олдиндан бахоланиши ва зарурат тугилса, уларга тузатиш киритиш кераклигини англатади. Мехнат бозорини шакллантириш йулларини танлаганда иш билан бандликнинг ривожланишига хос булган ва бозор иктисодиёти шароитида сакланиб колаётган ички конуниятларни урганиш ва тахлил килиш зарурлигига асосланиш керак. Чунки иш билан бандликнинг энг мухим курсаткичларига таъсир этувчи купгина омиллар бевосита узига боглик.

II. Боб. Андижон вилояти меҳнат ресурсларини иқтисодий тармоқларида иш билан бандлик даражаси таҳлили

2.1. Вилоят аҳолиси ва меҳнат ресурслари ҳолати

Андижон вилоятининг аҳолиси ҳудудда жойлашуви бўйича зич ҳисобланади. Шунга кўра бу аҳоли таркибидаги меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш бўйича муаммоларни келтиради. Яъни вилоят ҳудудларини имконидан келиб чикиб, янги корконаларни ташкил этиш ҳисобига иш ўринлари сонини кўпайтириш бўйича вазифаларни ҳал қилишни юзага келтиради.

Маълумки, Андижон вилояти мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим урин тутди. Андижон вилояти иқтисодий салоҳияти жиҳатидан узига хос уринга эга бўлган вилоят ҳисобланади. Агар бу борада батафсилроқ таҳталадиган бўлсак, қадимда «Андугон» деб номланган ушбу диёр, жаҳон тарихида учмас из қолдирган буюқ алломалар юрти ҳисобланади. Бу замин-буюқ сарқарда, одил шахс, газал нафис шоир ва олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур, ўзбек шоираларининг гултожиси ҳисобланмиш Мохларойим-Нодирабегим, ўзбек адабиётини маданий-маънавий руҳдаги асарлари билан бойитган Абдулхамид Чулпон ва бошқа қуплаб олим, шоир ва ёзувчилар юртидир.

Андижон вилояти 1941 йил 6 мартда ташкил топган. Ҳудуди 4,3 минг кв.км.ни ташкил этади. Вилотда 2 миллион 504 минг 400 киши ёки Республика аҳолисининг 9 фоизи истикомат қилади. Шулардан 1262,2 минг нафари аёлларни, яъни 50,4 фоизини, 1242,2 минг нафарини эркакларни, яъни 49,6 фоизини ташкил этади. Аҳолининг 70,7 фоизи ёки 1770,7 минг нафари қишлоқларда, 29,3 фоизи ёки 733,7 минг нафари шаҳарларда яшайдилар. Булар 102 миллат ва элатларга мансуб кишилардир. Уларнинг 89,3 фоизини ўзбеклар, 2 фоизини руслар, 1,3 фоизини татарлар, 3,4 фоизини қирғизлар, 0,1 фоизини қозоқлар, 0,9 фоизини тожиклар, 3,0 фоизини бошқа миллатлар ташкил этади.

2008 йилда 62,1 минг нафар уғил ва кизлар туғилиб, уларнинг 43 минг нафари кишлоқ жойларига тугри келди. Аҳолининг йиллик уртача ўсиши 46,5 минг кишини ташкил этди. Вилотда аҳоли зичлиги Республика бўйича энг юқори бўлиб, 1 кв.км.га 582 киши тугри келди.

Вилоятда 3 та вилоятга ва 8 та туманларга бўйсунувчи шаҳарлар, 14 та туманлар, 5 та шаҳарча, 95 та кишлоқ фуқаролар йиғини, 536 та аҳоли яшаш пунктлари мавжуд.

Андижон вилояти ижтимоий-иқтисодий жихатдан мамлакатда ўзига хос уринга эга бўлган вилоят бўлишига қарамасдан вилоятда ҳам бартараф қилиш лозим бўлган муаммолар йўқ эмас ва бу муаммолар юқорида айтилганидек, асосан аҳолининг яшаш шароитига бевосита таъсир қилувчи ижтимоий соҳаларда ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикасида кейинги 10 йилда демографик жараёнларда катта ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, туғилиш даражаси ва янги оилалар ташкил топиши қисқарди. Бу ўзгаришлар аҳоли сонига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ўзбекистон аҳолиси сони 2003 йил бошига келиб 25,3 млн. кишини ташкил этди. Шундан 62,7 фоизи қишлоқларда яшайди. Тарикий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар ҳамда иқтисодиётнинг аграр қусусиятга эга бўлиши шаҳар аҳолиси улушининг жуда юқори эмаслигига сабаб бўлмоқда. Кейинги чорак аср мобайнида республика аҳолисининг сони 11 млн. кишига ошди. Мустақиллик даврида эса аҳоли 4,2 млн. кишига кўпайиб, ўртача йиллик миқдори 420 минг кишини ташкил этди. Ҳозирги кунда дунё аҳолисининг ўсиши камайиб борапти. 60-йилларда дунё аҳолисининг ўсиши 2,04 фоизга тенг бўлган бўлса, БМТ маълумотига асосан ҳозирги кунда дунё аҳолисининг ўсиши 1,39 фоизни ташкил қиляпти. Аҳолининг ўсиши ҳамма давлатларда ҳам бир килда эмас, масалан, Латвияда 1990 йилдан, Беларусь, Украинада 1991 йилдан ҳамда Бельгия, Испания, Германия ва Швецияда 2000 йилдан бошлаб аҳолининг камайиши кузатилмоқда.

Мехнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар бутун аҳолининг бир қисми бўлиб, уларнинг сони демографик омил таъсирида ўзгариб туради. Уларнинг қанча бўлиши тегишли ёшлардаги ўлим даражасига боғлиқ бўлади. Бу, шунингдек, меҳнат қилиш ёшига етган ёшлар билан пенсия ёшига етган фуқаролар сони ўртасидаги нисбатга ҳам боғлиқ бўлади. Меҳнат қилиш ёшига етган фуқаролар бу ёшдан чиққан кишиларнинг ўртасидаги фарқ қанчалик юқори бўлса, меҳнат қилиш қобилиятига етган кишилар сони шунчалик кўп бўлади ёки аксинча.

Меҳнат ресурслари аҳолини такрор ишлаб чиқаришнинг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш демографик жараёнлардаги ўзгаришларга боғлиқ. Аҳолини ишлаб чиқариш динамикаси, ёши, жинси, малакаси бўйича таркибий тузилишлари, никоҳ ва ажралиш, аҳолининг механик ҳаракатларидаги асосий ўзгаришлар жамиятдаги иқтисодий ривожланишга ўз таъсирини кўрсатади. Аҳолининг бандлик даражаси миллий даромадни яратиш ва истеъмол ўртасидаги мувозанатни сақлашга кизмат қилади. Меҳнатга қобилиятли аҳолининг бандлиги ва ўртадаги фарқ мамлакатдаги ижтимоий тизимларнинг калқ учун кизмат қилиш даражасини белгилайди. Меҳнатга қобилиятли ҳамма аҳолини тўла иш билан банд қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки меҳнат бозорида рақобат мукитини ташкил қилиш имкони бўлмайди. Бундан ташқари меҳнат ёшига етган аҳолини барчаси кам меҳнатга қобилиятли эмас. Уларнинг маълум бир қисми меҳнатга лаёқатсиз аҳоли таркибига киради. Меҳнатга лаёқатсиз аҳоли таркибига 1-2- гуруҳ ногиронлари киради.

Андижон вилоят аҳолиси йилдан – йилга ушиб борган, буни 2.2.1.-жадвал маълумотларида қуриш мумкин. 2004 йил маълумоти бўйича вилоят аҳолиси сони 2340,2 минг кишини ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб бу курсаткич 2371,2 минг кишига етган. Бу утган йилга нисбатан 1,3 фоизга ошган. Шу йиллари аҳолии таркибидаги меҳнат ресурслари сонидан кам албатта ўзгариш

булган. 2004 йили меҳнат ресурслари сони 1280,5 минг кишини ташкил этган булса., 2005 йилга келиб 1318 минг кишига етган. Утган йилги курсаткичга нисбатан 2,9 фоизга ошган. Аҳолиси сони ва меҳнат ресурсларини икки йилги курсаткичлари буйича таҳлилида меҳнат ресурслари сони аҳоли сонига нисбатан 1,6 фоизга куп усган. Бу уз навбатида меҳнат бозори вазиятини янада кучайтиради. Меҳнат бозоридаги вазият таҳлили буйича айтиш мумкинки, меҳнат ресурсларини банд булганлари сони 2004 йилда 924,7 минг кишини ташкил этган булса, 2005 йили 951,9 минг кишини ташкил этган. Умумий меҳнат ресурслари таркибида уларнинг бандлик даражаси 72,2 фоизни 2004 йили косил килган булса 2005 йилда бу курсаткич узгаришсиз колган, яъни 72,2 фоизни ташкил этган. Сабаби юкорида айтиб утганимиздек, 2005 йили аҳоли сони таркида меҳнат ресурсларини сони салкам икки баробарга усган. Бу эса уларни иш билан таъминлаш муаммосини келтиради.

Вилоятдаги бундай узгаришларни 2006-2008 йиллар буйича таҳлили куйидагича булган. 2006 йили вилоят аҳоли сони 2412,3 минг кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич аввалги йилларга нисбатан 103,0 фоиз ва 101,7 фоизга усган. Аҳолини таркибидаги меҳнат ресурслари 2006 йили 1346,6 минг кишини ташкил этган. Бу умумий меҳнат ресурсларини 55,8 фоизини ташкил этган. Ушбу курсаткич аввалги йилларда 54,7- 55,5 фоиз бўлган.

2007 йилга нисбатан аҳоли сони 1.9 фоизга ўсган бўлса, меҳнат ресурслари сони эса 3.1 фоизга ўсган. 2007 йили аҳоли салмоғида меҳнат ресурслари сони 57.2 фоизни ташкил этган. 2008 йилга бориб меҳнат ресурсларини салмоғи 8.1 фоизга тенг бўлган.

2009 -2011 йиллири аҳоли сони 2.6-1.3 фоизларга ўзгарган. Шу билан бирга меҳнат ресурслари сони хам ошиб борган 8.6-5.8 фоизларга ўзгарган. Аҳоли сони таркибида меҳнат ресурслари салмоғи 2009 йили 58.3 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга бориб меҳнат ресурслари салмоғи 63.4 фоизни ташкил этган.

2.1.1.-жадвал**Андижон вилояти, аҳолиси ва меҳнат ресурслари****сони динамикаси ***

№	Кўрсаткичлар	2004	2005	2006	2007	2008	2008/ 2004	2008/ 2005	2008/ 2006	2008/ 2007
1	Аҳоли сони	2340,2	2371,2	2412,3	2433	2466.	107,0	105,6	103,8	101,9
2	Меҳнат ресурслари	1280,5	1318	1346,6	1391,8	1433,5	111,5	108,3	106,0	103,1
3	Меҳнат ресурслари салмоғи аҳоли сонига нисбатан, %да	54.7	55.8	55.8	57.2	58.1				

*Манба: Андижон вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари бўйича ҳисобланди.

2.1.2- жадвал

**Андижон вилоятида аҳоли ва меҳнат ресурслари сони динамикаси,
(минг киши ҳисобида)***

№	Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	2011/2009	2011/2010
1	Аҳоли сони	2499.6	2533.4	2566	102.6	101.3
2	Меҳнат ресурслари сони	1497,6	1536,0	1626,4	108.6	105.8
3	Меҳнат ресурслари салмоғи аҳоли сонига нисбатан, %да	58.3	58.9	63.4		

*Жадвал Андижон вилояти Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланди

2.1.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Андижон вилоятида меҳнат ресурслари сони динамикаси (минг киши ҳисобида)*

Худудлар	Йиллар					2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариш	
	2007	2008	2009	2010	2011	+, -	фоиз
Республика бўйича	15219,6	15644,9	16123,6	16504,2	17309,8	2090,2	113,7
Андижон	1391,8	1433,5	1497,6	1536,0	1626,4	234,6	116,8

* Каримов И. 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига биғишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиёти янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузаси. Ўқув қулланма, Т...2012й 139 бет.

Демографик жараёнларга боғлиқ ҳолда, юртимизда меҳнат ресурслари сони йил сайин ортиб бормоқда (2.1.2.-жадвал).

2.1.3 -жадвалдан кўриниб турганидек, 2007-2011 йиллар давомида меҳнат ресурслари сони 2090,2 минг кишига ёки 13,7 фоизга ортган. Бу даврда меҳнат ресурслари сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,6 фоизни ташкил қилган. Кўрилатган даврда меҳнат ресурслари сонининг ўсиш суръати вилоятда бир меъёрда кечмаган.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Андижон вилоятида меҳнат ресурсларини сони йиллар мобайнида ўсиб борган. 2011 йилни 2007 йилга нисбатан солиштирилганда меҳнат ресурслари 16.8 фоизга ўсган.

Таҳлил натижаларидан айтиш мумкинки, аҳоли сони ўсиб бориши билан уларни таркибида меҳнат ресурсларини улуши ҳам ошиб борган. Меҳнат ресурсларини бундай тез суръатларда ўсиши вилоятда уларни иш билан таъминлаш бўйича чора – тадбирларни ишлаб чиқишни талаб этади.

2.2. Мехнат ресурсларини бандлик даражаси

Аҳоли бандлигини таъминлаш жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади ва у иқтисодиётда алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлашни янадаяхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича: саноатда 30,9 фоиз, кишлоқ хужалигида 25,5 фоиз, қурилишда 3,9 фоиз, транспорт ва алоқада 6 фоиз, савдо ва умумий овқатланишда 6,7 фоиз, солиқлар 3,2 фоиз ва бошқалар 23,8 фоизни ташкил этди.

Вилоятда жами 31972 та юридик шахслар рўйхатдан утган бўлиб, шундан 9039 таси хусусий секторни ташкил қилади. Шунингдек, вилоятда 30052 та кичик корхона ва микрофирмалар фаолият қурсатаётган бўлиб, жумладан, 2843 таси кичик корхона ва 27209 таси микрофирмаларни ташкил этади. Вилоятда 2007 йилда акциялар сотилишидан жами 142 млн.сумлик пул маблағлари тушди. Бозор инфратузилмасини яратиш ва бозор муносабатларига утишни давлат томонидан бошқариш натижасида 2007 йилда Давлат дастурига қура 28 та корхона ва ташкилотлар давлат тасурруфидан чиқарилиб, мулкчиликнинг нодавлат турларига ўтказилди.

Вилоятда ишчи хизматчиларнинг маълумоти бўйича таркиби қуйидагича: жами олий ва ўрта маълумотлилар сони 758014 нафар, жумладан, олий 84998 нафар, тулиқсиз олий 68887 нафар, ўрта махсус 153272 нафар, умумий ўрта 450857 нафар кишини ташкил этади.

Мехнат ресурсларининг таркиби: 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига вилоятда 1427,6 мингта меҳнатга лаёқатли аҳоли бўлиб, ҳисоб-китобларга

кура уларнинг 1047,3 мингтаси иктисодиётнинг турли тармокларида бандрлар. Шундан кишлок ва урмон хужалигида 39,5 фоиз, саноатда 12,2 фоиз, таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат курсатишда 10,9 фоиз, савдо, умумий овкатланишда 8,0 фоиз, согликни саклаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда 5,8 фоиз, курилишда 5,0 фоиз, моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа сохаларида 4,8 фоиз, транспорт, алоқада 2,5 фоиз, уй хужалиги ва аҳолига номаиший хизмат курсатишда 2,4 фоиз, молия, кредит ва бошқарув аппаратида 2,3 фоиз, бошқа номоддий сохаларда 6,5 фоизи меҳнат киладилар.

2.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Андижон вилоятида иш билан банд аҳоли сони динамикаси (минг киши ҳисобида)*

Худудлар	Й и л л а р					2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши	
	2007	2008	2009	2010	2011	+;-	фоиз
Республика бўйича	10735,4	11035,4	11328,1	11628,4	11919,1	1183,7	111,0
Андижон вилояти бўйича	1014,8	1047,3	1063,0	1112,1	1144,8	130,0	112,8

* Каримов И. 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига биғишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиёти янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузаси. Ўқув қўлланма, Т...2012й 140 бет.

2.2.1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Республика ва Андижон вилоятида меҳнат ресурсларини иш билан бандлиги оиб борган. 2011 йилни 2007 йилга нисбатан солиштирилганда иш билан банд бўлганлар сони 12.8 фоизга ошган ёки 130 киши иш билан банд бўлган. Республика бўйича жами 11.0 фоиз ёки 183.7 нафар меҳнат ресурслари иш билан банд бўлган.

Бандликни соҳалар бўйича таркибида ҳам ижобий силжишлар бўлган. Меҳнат ресурсларини иқтисодиёт тармоқлари иш билан бандлик кўрсаткичи (2.2.2-жадвал) 2007 йилда Андижон вилоятида 176.4 минг киши банд бўлган. Бу кўрсаткич Республика бўйича 2551.7 минг кишига тенг бўлган. 2011 йили эса 207.5 минг кишига етган. Республика бўйича 2779.8 минг кишини ташкил этган. Вилоят бўйича иш билан бандлар сони 2011йили 2007 йилга нисбатан 17.6 фоизга ошган.

Кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд аҳоли вилоятда 2007 йили 197.3 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2011 йили 209.7 минг кишига етган. Бу ўтган йилга нисбатан 6.2 фоизга ўсган. Республика бўйича бу кўрсаткич 2007 йили 2094.3 минг кишини ташкил этган бўлса, 2011 йили 2338 минг киши бўлган. Ўтган йилга нисбатан 11.6 фоизга ошган.

2.2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқларида, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сони динамикаси (минг киши ҳисобида)*

Худудлар	Иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли сони			Кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони		
	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз
Республика бўйича	2551,7	2779,8	108,9	2094,3	2338,4	111,6
Андижон вилояти бўйича	176,4	207,5	117,6	197,3	209,7	106,2

* Каримов И. 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига биғишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиёти янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузаси. Ўқув қулланма, Т...2012й 141 бет.

Меҳнат ресурсларини меҳнатга қобилиятли қисми ўзини –ўзи банд қилиш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лицензияга эга тадбиркорлар сони ҳам Республика ва андижон вилоятида ошиб борган. 2.2.3- жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2007 йили бу соҳада 12.3 минг киши банд бўлган бўлса, 2011 йили эса 61.0 минг киши банд бўлган. Бу ўтган йилга нисбатан салкам 5 баробарга ошган. Республикада бўйича 2007 йили 140.8 минг киши бўлган бўлса, 2011 йили 698.4 минг кишига етган. Бу ўтган йилларга нисбатан салкам беш баробарга ошган.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган кичик мулкдорлар синфини шакллантиришга, мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари ва турли хизматлар билан бойитиш имкониятини яратишга, ҳар бир оила даромадини кўпайтиришда ҳамда янги иш ўринларини яратиш эвазига ишсизлик масаласини ҳал этишга замин яратади.

Республикада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис бу соҳада иш билан банд бўлган аҳоли сони йил сайин ортиб бормоқда

Деҳқон хўжаликларида иш билан банд аҳоли (2.2.3-жадвал)Республикада 2007 йили 1472.5 минг кишига тенг бўлган бўлса, 2011 йили эса 177.8 минг кишини ташкил этган. Бу 2007 йилга нисбатан 4.5 фоизга ошган. Республика бўйича бу кўрсаткич 2007 йили 1472.5 минг киши банд бўлган бўлса. 2011 йили 1745 минг киши бу соҳада иш билан банд бўлган.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятида ва деҳқон хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сони динамикаси (минг киши ҳисобида)*

Худудлар	Юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лицензияга эга тадбиркорликда банд бўлганлар сони			Деҳқон хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони		
	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз
Республика бўйича	140,8	698,4	496,0	1472,5	1745,0	118,5
Андижон вилояти бўйича	12,3	61,0	495,9	170,1	177,8	104,5

* Каримов И. 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига биғишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиёти янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузаси. Ўқув қулланма, Т...2012й 142бет.

Вилоят меҳнат ресурсларини иқтисодиёт тармоқларидаги бандлигини соҳалар бўйича таҳлил қилсак, (2.2.4-жадвал) умумий бандларга нисбатан соҳаларда бандлик кўрсаткичи сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасида, қишлоқ хўжалиги ҳамда саноатда бандлик ошиб борган. Меҳнат ресурсларини бандлик кўрсаткичи асосан сервис ва хизмат кўрсатишда бўлиб, бу умумий бандларга нисбатан 2007 йили 39.0 фоизни ташкил этган. 2008 йили бу соҳада умумий бандликка нисбатан 40.5 фоизни, 2009 йили 43.0%, 2010 йили 44.8 фоизни ва 2011 йили 47.7 фоизга тенг бўлган. Рақамлардан кўриш мумкинки, бу соҳада бандлик салмоғи ошиб борган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, вилоятда сервис ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга бандликни соҳалар бўйича салмоғи қишлоқ хўжалигида 2007 38.5 фоизни, 2011 йили 37.2 фоизни ташкил этган. Қишлоқ

хўжалигида бандликнинг салмоғини камайиши ушбу соҳадан бошқа соҳаларга меҳнат ресурсларини силжиши ҳисобига рўй берган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши меҳнат ресурсларини бу соҳада бандлигини ошиб боришига сабаб бўлган. Бу эса қишлоқ хўжалигидаги ортиқча меҳнат ресурсларини чиқиб кетишига сабаб бўлади.

2.2.4-жадвал

Андижон вилояти меҳнат ресурсларини иқтисодиёт тармоқларидаги бандлик ҳолати*

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар				
		2007	2008	2009	2010	2011
Жами меҳнат ресурслари сони	минг киши	1391,8	1433,5	1497,6	1536,0	1626,4
Жами иш билан банд аҳоли сони	минг киши	1014,8	1047,3	1063,0	1112,1	1144,8
		100%	100%	100%	100%	100%
<i>шундан сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасида</i>	минг киши	395,8	424,4	458	498,7	547
		39.0%	40.5%	43.0%	44.8%	47.7%
<i>шу жумладан қуйидаги тармоқларда:</i>						
Саноат	минг киши	123,6	125,9	128,2	130,6	133
		12.2%	12.0%	12.1%	11.7%	11.6%
қишлоқ хўжалиги	минг киши	390,9	398,2	405,6	413,2	425
		38.5%	38.0%	38.2%	37.2%	37.2%
Ўрмон хўжалиги	минг киши	78,2	79,7	81,2	82,8	83.2
		7.7%	7.6%	7.6%	7.4%	7.3%
қурилиш	минг киши	50,3	51,2	52,1	53	55
		4.9%	4.9%	4.9%	4.8%	4.8%
транспорт ва алоқа	минг киши	21,6	22,0	22,4	22,8	23
		2.1%	2.1%	2.1%	2.1%	2.0%
савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат	минг киши	79,9	81,4	82,9	84,5	86
		7.8%	7.7%	7.8%	7.6%	7.5%
уй-жой коммунал хўжалиги	минг киши	48,4	49,3	50,2	51,1	53
		4.8%	4.7%	4.7%	4.6%	4.6%
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	минг киши	59,0	60,1	61,2	62,3	63.2
		5.8%	5.8%	5.7%	5.6%	5.5%
таълим	минг киши	72,4	73,8	75,2	76,7	77.5
		7.1%	7.0%	7.0%	6.8%	6.7%
маданият	минг киши	19,7	20,0	20,3	20,6	21.6
		1.9%	1.9%	1.9%	1.9%	1.9%
санъат	минг киши	10,5	10,7	10,9	11,1	12.3
		1.0%	1.0%	1.0%	1.0%	1.1%
илм-фан ва илмий хизмат кўрсатиш	минг киши	5,2	5,3	5,4	5,5	5.6
молия, кредит ва суғурта	минг киши	13,3	13,6	13,9	14,2	14.8
давлат бошқарув органлари	минг киши	10,1	10,3	10,5	10,7	10.8
бошқалар	минг киши	20,9	43,7	56,6	69,7	71.6

Иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар	минг киши	568,0 56.0%	621,1 59.3%	679,2 63.8%	742,7 66.8%	806.2 70.2%
Иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлар	минг киши	378,0 37.2%	355,6 33.9%	334,5 31.4%	314,7 28.4%	312.5 27.2%
Жами меҳнатга муҳтож ишсиз аҳоли сони	киши	63200,0	61449,0	59747	58092	
ишсизлик даражаси	%	6,2	5,9	5,7	5,4	
Жами иқтисодий нофаол аҳоли сони	минг киши	443,4	471,7	501,8	533,8	

*Жадвал Андижон вилояти меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси маълумотлари бўйича ҳисобланди.

Меҳнат ресурсларининг иқтисодиётнинг норасмий секторидаги бандлик даражаси 2007 йили умумий бандларни 56.0 фоизини ташкил этган. 2008 йили эса бу кўрсаткич 59.3 фоизга етган. Меҳнат ресурсларини расмий секторидаги бандлик улуши 2011 йили 70.2 фоизга тенг бўлган. Меҳнат ресурсларини расмий секторда бандлик салмоғини ошириб боришининг асосий сабабларидан бири солиқ имтиёзларини қулланиши, кичик ва микрофирмаларнинг чорак ҳисоботларини топширилишида қулайликларни яратилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Меҳнат ресурсларини тармоқлардаги бандлигини таҳлили натижасида қишлоқ хужалигида бандликни юқорилиги(2011й- 37.2%), саноат ишлаб чиқаришда пастлиги (2011-11.6%) ҳамда энг паст улушда транспорт(2011й- 2.0%), умумий овқатланиш(7.5%), сохаларида бандликни улушини пастлиги меҳнат ресурсларини тармоқлар бўйича оқилона фойдаланилмаётганлигини билдиради.

Меҳнат ресурсларини соҳа тармоқларида бандлигини оширишда иш ўринларини яратилиши ушбу муаммони емини топишга ёрдам беради.

2.3. Яратилган ва яратилаётган бўш иш ўринлари таҳлили

Вилоятда янги иш ўринларининг аксарият қисми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилмоқда.

Вилоят бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган иш ўринлари сони кўпаймоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга ёрдам беради.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури, кичик бизнесни ривожлантириш ҳудудий дастурлари чора-тадбирларини амалга ошириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, айниқса кичик бизнес субъектларига солиқ имтиёзлари бериш бўйича қонун ҳужжатларини қабул қилиш, кредитлашни ва моддий хомашё ресурсларини олиш имкониятларини кенгайтириш ҳисобидан кичик бизнесда (кичик корхоналар ва микрофирмалар) хусусий тадбиркорликда иш ўрни ташкил этилди.

Кредит билан қўллаб-қувватлашнинг кенгайтирилиши тадбиркорлик субъектларининг иш ўринлари ташкил этиш бўйича молиявий имкониятларини анча кенгайтириш имконини берди. Яъни, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 3,1 триллион сўмни, шу жумладан, имтиёзли микрокредитлар 613,3 миллиард сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баробар кўп. Бунда 20,9 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ҳудудлардаги тадбиркорларга, 251,9 миллиард сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга, 20,3 миллиард сўм ўзининг тадбиркорлик ишни ташкил этиш учун касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларига берилди.¹

¹ Каримов И. 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий- иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига биғишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиёти янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузаси. Ўқув қуланма, Т...2012й, 153 бет

**Ўзбекистон Республикаси ва Андижон вилоятида яратилган иш
ўринлари сони динамикаси (бирлик)***

Худудлар	Й и л л а р				2011 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариш	
	2008	2009	2010	2011	+, -	фоиз
Республика бўйича	660906	940532	950001	956247	295341	144,6
Андижон вилояти бўйича	55670	77889	77902	78292	22622	140,6

* Каримов И. 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига биғишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиёти янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузаси. Ўқув қўлланма, Т...2012й 150 бет.

Вилоятнинг тармоқлар кесимида яратилган иш ўринлари таҳлили бўйича жами яратилган иш ўринларига нисбатан сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасида жами яратилган иш ўринларини 44.7 фоизини ташкил этган. 2011 йилга бориб бу соҳа 51.9 фоизни ташкил этган. Вилоятнинг саноат тармоғида 55.4 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга бориб 38.3 фоизни ташкил этган. 2008-2009 йиллари саноат корхоналарида иш ўринларини салмоғини ошиши корхоналарни модернизация қилиш, фаолият юритмаётган, кам қувватда ишлаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш ва иш сменалигини кўпайтириш натижасида саноат ишлаб чиқариш ҳажми ошиши ҳисобига янги иш ўринлари сони кўпайди.

Янги йирик объектларни ишга тушириш, корхоналарни қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига (инвестиция ва маҳаллийлаштириш дастурлари асосида) 117 та (292 %) янги иш ўринлари яратилди.

2.3.2-жадвал

Андижон вилояти соҳа тармоқларида яратилган иш ўринлари сони*

Кўрсаткичлар		2008й	2009й	2010й	2011й
Жами яратилган янги иш ўринлари сони	бирлик	55670 100%	77889 100%	77902 100%	78292 100%
шундан сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасида		24900,0 44.7%	28600,0 36.7%	33600 43.1%	40700 51.9%
шу жумладан қуйидаги тармоқларда:					
Саноат	минг киши	30845,0 55.4%	29871,0 38.3%	30040 38.5%	30057 38.3%
қишлоқ хўжалиги	минг киши	1004,0 1.8%	1119,0 1.4%	1125 1.4%	1128 1.4%
ўрмон хўжалиги	минг киши	72,0 0.12%	79,0 0.10%	82 0.10%	86 0.10%
Қурилиш	минг киши	1446,0 2.6%	1504,0 1.9%	1513 1.9%	1515 1.9%
транспорт ва алоқа	минг киши	1026,0 1.8%	1141,0 1.5%	1147 1.5%	1150 1.5%
савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат	минг киши	845,0 1.5%	940,0 1.2%	945 1.2%	950 1.2%
уй-жой коммунал хўжалиги	минг киши	216,0	240,0	241	245
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	минг киши	2231,0 4.0%	2480,0 3.2%	2494 3.2%	2500 3.2%
Таълим	минг киши	1720,0	1912,0	1973	1930
Маданият	минг киши	315,0	351,0	353	360
Санъат	минг киши	13,0	15,0	16	19
илм-фан ва илмий хизмат кўрсатиш	минг киши	6,0	6,0	8	10
молия, кредит ва суғурта	минг киши	230,0	230,0	232	240
давлат бошқарув органлари	минг киши	762,0	849,0	854	860
Бошқалар	минг киши	13831,0 2.5%	8869,0 11.3%	8914 11.4%	8866 11.5%

*Жадвал Андижон вилояти меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси маълумотлари бўйича ҳисобланди.

“Андижон вилоятининг 2009 йилга мўлжалланган ҳудудий инвестиция дастури” да жами қиймати 34,6 млн. АҚШ долларлик 10 та лойиҳа киритилган ва хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиши кўзда тутилган. Бунинг натижасида вилоятда 2012 йилгача 2538 та стационар иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Инвестиция дастури асосида Андижон шаҳрида 20,2 млн. АҚШ долларлик 4 та лойиҳа (“Бобур” АЖ, “Семурғ” АЖ, “Турон” ХИЧФ ва “Jome Asal” ҚК), Андижон туманида 1 млн. АҚШ долларлик 3 та лойиҳа (“Forus Elegant” ҚК, “Усмонхожи” ФХ ва “Усмонхожи Делисин” МЧЖ), Асака шаҳрида 5,9 млн. АҚШ долларлик 1 та лойиҳа (“Асакатекстиль” АЖ), Булоқбоши туманида 7 млн. АҚШ долларлик 1 та лойиҳа (“Bellona Millenium” ҚК) ҳамда Пахтаобод туманида 0,5 млн. АҚШ долларлик 1 та лойиҳа (“Сапфир-2001” ХК) амалга оширилади.

2009 йил давомида 23,2 млн. АҚШ долларлик хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиши белгиланган ва шунингдек жорий йилда 10 та лойиҳадан 8 таси якунланади

Паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳисобига 10967 та янги иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилмоқда

Ташкил этилган корхоналар ва иш ўринларининг асосий қисми енгил, тўқимачилик, автомобиль, кон-металлургия, нефть ва газ ҳамда кимё саноати тармоқларига тўғри келди. 2011 йилда мамлакат бўйича 828 та ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан озиқ-овқат саноатда (279 та), қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида

Касаначилик меҳнاتини ривожлантириш бўйича қатор каттагина имтиёз ва преференциялар, шу жумладан, касаначиларга буюртмаларни, ускуналарни, хом ашёни, асбоб ва жиҳозларни имтиёзли равишда бериш шартларини, касаначининг уйдаги ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартибини, корхоналарни касаначиларга тўланадиган маблағ миқдорида иш

ҳақи жамғармасидан ягона ижтимоий тўловдан озод этишни кўзда тутадиган ҳуқуқий ва норматив база яратилгани касаначиликнинг барча турларини ривожлантириш ҳисобидан 191,9 мингта иш ўрнини ташкил этиш имконини берди.

Ўтган даврда касаначилар билан ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатларига саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳасидаги 5,4 мингдан ортиқ корхона жалб этилган бўлиб, уларда касаначилар билан кооперация асосида меҳнат шартномалари бўйича 55,8 минг кишининг бандлиги таъминланди.

Оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари 136,1 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлаш имконини берди.

Янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва шунингдек, 12 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтиш борасида қўрилган чора-тадбирлар аҳолининг бандлик даражасини янада ошириш имконини берди

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринлари ташкил этиш муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони 2,5 фоизга ўсди ва деярли 11,9 миллион кишига етди, иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги банд бўлган кишилар улуши 79,4 фоизни, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандлар – 74,2 фоизни ташкил этди. Бандликнинг энг юқори ўсиш суръатлари қурилишда (105,2 фоиз), уй-жой-коммунал хўжалигида ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишда (105,1 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда (105,0 фоиз), транспорт ва алоқада (104,4 фоиз) қайд этилди.

Бандликнинг соҳалар бўйича таркибида ҳам ижобий тенденциялар кузатилди. Хусусан, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони сезиларли даражада камайди. Агар 1991 йилда мазкур соҳада ишловчилар сони жами иш билан банд бўлганларнинг 40 фоизини ташкил этган бўлса, бугунги кунда

бу рақам 25 фоизга тушди. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш, транспорт ва қурилиш соҳаларида иш билан банд бўлганлар сони ўсиб, 36 фоиздан 52 фоизга етди.

III. Боб. Меҳнат ресурсларини иқтисодиёт тармоқларида самарали бандлигини ошириш йўллари

3.1. Меҳнат ресурсларини салоҳияти ва ҳаракатида сифат кўрсаткичларни ошириш

Бозор талабларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришда меҳнатнинг ташкил этишнинг янги шакллари тобора муҳим роль ўйнайди ва уларни ривожлантириш билан бандлик даражаси ортади. Андижон вилоятида демографик ва иқтисодий омиллар таъсирида ёки иш ўринларни кшпайишига нисбатан меҳнат ресурсларининг ўсиши доимо ортиқ бўлган. Бундай ҳолатда иш билан бандликка боғлиқ муаммоларни мувоффақият билан ҳал этиш вилоят иқтисодиётида таркибий ислохотларни тезлаштириш имконияти туғилади.

Вилоят меҳнат ресурсларини иш билан бандлигини таъминлашда қуйидаги долзарб масалаларни қайд этиш зарур:

- иқтисодиёт тармоқларининг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун сифатли хизмат турларини ташкил этиб аҳоли эҳтиёжини тўлақонли қондириш ўз вақтида бандлик даражасини ўсишига боғлиқ,
- меҳнат ресурсларини меҳнат салоҳиятини ошириш мақсадида керакли билимларни олиш,
- ишлаб чиқариш жараёнлари ва номоддий ишлаб чиқариш жараёнларида меҳнатни ташкил этишнинг янги шаклларини қўллаш,

Фан техника тараққиёти ривожланган сари сифатли кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратиш иқтисодиётни ривожлантиришдаги муҳим омили ҳисобланади. Инсон ўзига хос шахсий сифатлар мажмуи, турли хил қобилиятлар уйғунлигига эга бўлиб уларнинг бир қисмидан меҳнат жараёнида фойдаланилади.

Малакали ишчи кучини тайёрлашни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири бозор иқтисодиёти ривожланиши билан талаб ортувчи мутахассислар тайёрловчи барча ўқув юртларининг моддий техник базасини қайта кўриш, янги техника билан таъминлаш.

Меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб малакали ишчи тайёрланса меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга эришилади. Андижон вилояти аҳолисининг 70 фоизга яқини қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Меҳнат ресурсларининг энг катта салмоғи ҳам қишлоқ жойларига тўғри келади. Агар иш жойларига бўлган қўшимча талабни меҳнат ресурсларининг табиий ўсишини мажбурий омил деб ҳисобласак, у ҳолда янги иш жойларига бўлган эҳтиёжни вужудга келтириувчи асосий манба қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучи билан боғлиқ.

Халқаро меҳнат ташкилоти мутахассислари фикрича, бозор иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган мамлакатларда охириги йилларда ишсизлик даражаси ўсиб борган, иш билан бандлик таркиби эса доимий ишларда ва шахсий кичик корхоналарда кўпроқ ривожланмоқда.

Ривожланган мамлакатларда иш билан бандлик сиёсати юқори самарадорликни таъминлашга имкон берадиган даражада кенгайтирилади. Бандлик даражасининг яна ҳам кенгайтирилиши маҳсулотни ортиқча ишлаб чиқаришга олиб келади. Шунинг учун ҳам тараққий этган мамлакатларда ишсизликка табиий хос бир жараён, меҳнат бозорида доимо амал қилувчи омил деб ва ишсизлик даражасига эса иқтисодий ҳолатини энг муҳим индикатори сифатида қаралади.

Меҳнат бозорини катта қисмини касбий маълумоти йўқ ёки маълумоти юқори бўлган кишилар ташкил этади. Шулардан келиб чиқиб вилоятда қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим.

- Вилоятнинг ҳар бир ҳудудида меҳнат ресурслари ва иш жойлари сониинг ҳам сифат ҳам сони жиҳатдан ўсиш мутаносиблигига эришиш.

- Янги тараққий этган тармоқлар ва фаолият турларини ривожлантириш йўли билан янги иш жойлари барпо этиш. Бу тадбирни амалга оширишда қишлоқ хўжалигидан бўшаган ишчиларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига, жумладан, саноат, кичик ва ўрта тадбиркорлик, шунингдек хусусий тадбиркорликка, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларга тақсимлашга эътибор бериш керак. Бу эса ўз навбатида қишлоқ жойларида меҳнат фаолият

турларини янада кенгайтиришимконини беради. Бундан ташқари, бу тадбирлар иш билан бандликнинг тармоқ ва профессионал таркибини такомиллаштириш, қишлоқ жойларида ишсизлик даражасини ошириб кетишини олдини олиш ва ялпи маҳсулотнинг кўпайиши учун замин яратади.

- Самарали ва сермахсул бандликни таъминлаш. Вилоятда яширин ишсизлик ёки ортиқча бандликни анча юқори эканлиги иқтисодийнинг турли тармоқларини ривожлантиришда инновацион лойиҳаларни амалга оширишда ишлаб чиқаришни модернизация қилишда ва кенгайтиришда ишлаб чиқариш соҳаларидан бўшаётган ортиқча ишчи кучидан самарали фойдаланиш билан эришиш мумкин.

- Ишчи кучини рақобатбардошлигини ошириш. Меҳнат бозорида рақобат механизмининг йўлна қўйиш, самарали тизимнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Ишчи кучининг сифат кўрсаткичларини тўхтовсиз ошириб бориш мазкур механизмининг асоси бўлиб ҳисобланади.

- Самарали ва “эгилувчан” меҳнат бозорини шакллантириш, яъни меҳнат бозори инфратузилмасининг фаолиятини такомиллаштириш, ходимларнинг касбий ҳаракатчанлигини ошириш, ҳамда меҳнат бозорининг алоҳида сегментларига таъсир кўрсатиш орқали ишсизларда янги касбларга қизиқиш уйғотиш.

- Меҳнат бозорида фаол сиёсат олиб бориш борасида ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш, жамоат ишлари тармоғини кенгайтириш, ишсизларни ўқитиш ва қайта ўқитиш тизимини ва янги иш жойларини барпо этиш.

- Аёл ишчи кучларининг бандлигини оптималлаштириш ва уларни рақобатбардошлигини ошириш. Аёлларнинг маълумот даражаси эркекларнинг маълумот даражасидан нисбатан юқори бўлишига қарамасдан, улар бази соҳаларда касб маҳорат жиҳатидан орқада қоладилар. Бу уларнинг меҳнат бозоридаги паст мақомини белгиловчи омил бўлиб ҳисобланади.

- Ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш чора – тадбирларини ишлаб чиқиш.

Юқоридагиларга асосланиб, Андижон вилоятида аҳолининг бандлигини ошириш, ишчи кучидан самарали фойдаланишда куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- маълумки, вилоят аҳолисининг 70 фоизидан кўпроғи кишлоқ жойларида иштиқомат қилади. Меҳнатга яроқли аҳолининг ҳам шунча қисми кишлоқ аҳолиси ҳисобига тўғри келади. Шунинг учун кишлоқ аҳолисининг фаолияти соҳалари ва турларини кенгайтириш талаб қилинади;

- айти пайтда бугун алоҳида муҳим аҳамият касб этадиган яна бир масала – ёшларни, бўлғуси кадрларни тайёрлаш сифати билан боғлиқ. Табиийки, бу борада педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими қандай ташкил этилгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу масала умумий ўрта ва ўрта махсус таълимни ислоҳ қилиш тизимининг энг долзарб вазифаси бўлмоғи зарур. Лицей ва коллежларимизда таълим жараёнларига олий ўқув юр்தларининг тажрибали амалиётчи ва ўқитувчиларини янада кенг ва фаол жалб этиш лозим;

- ижтимоий йўналтирилган меҳнат бозори фаолиятини йилдан йилга кенгайтириб бориб, улар томонидан ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларини мунтазам ўтказилишини таъминлаш зарур;

- ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солувчи мустаҳкам ривожланган маҳаллий ва хорижий бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш лозим;

- республика ва унинг минтақаларида янги иш жойларини ташкил этиш, аҳоли бандлик даражасини ошириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятиданмақсадли фойдаланиш бўйича чуқур иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш зарур;

- аҳолини оқилона бандлигини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган дастурларнинг мониторингини мунтазам олиб бориш лозим;

- қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш керак;

- ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш лозим;

- хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали маҳаллий ва хорижий техника ва технология билан таъминлаш даркор;

- меҳнат бозори, ишсизлик ва аҳоли бандлиги жараёнларини тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш лозим.

Шу билан бирга мамлакат меҳнат бозори ривожланишида қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улардан энг муҳими меҳнат ресурсларининг салмоқли қисмини ташкил этувчи ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш муаммосидир.

3.2. Мехнат ресурсларини иш билан таъминлашда таркибий узгаришларни амалга чоралари

Республикада таркибий қайта тузиш чоралари асосида илмий-техникавий янгиликларга, бозор талабларига тез таъсир кўрсата оладиган ва мослашадиган ишлаб чиқаришларни яратиш мақсадида ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш масалаларини хал қилишга қаратилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган давлатнинг таркибий- инвестиция дастурлари қуйидаги йўналишларга қаратилиши талаб қилинади:

- Ишлаб чиқаришни тубдан модернизациялаш ва уни таркибий қайта қуришга кўмаклашиш;
- Саноатнинг қайта ишловчи сектори рақобатбардошлигини ошириш;
- Мамлакатнинг ҳўалик комплексини модернизациялаш ва техник қайта қуrolлаштириш учун етарли даражада унинг техник базасини ташкил қилувчи тармоқлар қувватини ошириш ва унда ишлаб чиқариладиган махсулот турини янгилаш;
- Аграр сектор ва унда боғлиқ тармоқлар (қайта ишловчи корхоналар, қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги, қишлоқ ҳўжалиги учун кимёвий воситалар ишлаб чиқариш)ни ривожлантириш.

Яқин истиқболнинг кейинги босқичларида давлатнинг инвестиция устиворликлари сифатида қуйидагилар майдонга чиқади:

- Хом ашёни янада чуқурроқ қайта ишлаш ва жохон андазолари даражасида махсулот ишлаб чиқариш асосида кўп тармоқли мажмуалар барпо қилиш;
- Юқори технологик ишлаб чиқариш ва замонавий инфратузилмани кенгайтириш, инновацион ва ахборат технологияларини ривожлантириш,

миллий хўжаликнинг янги технологик қиёфасини шакллантириш учун капитал, жумладан, хорижий капитални жалб қилиш;

- Жаҳонда эришилган техник-технологик даражада устивор тармиқлар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини қайта қуроллантириш;
- Ижтимоий инфратузилма ва хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш.

Инвестиция муҳитининг муҳим таркибий қисми давлатнинг қонунчилик базасидир. Ўзбекистон давлат мустақиллиги қарор топган нисбатан қисқа вақт оралиғида ишончли меъёрий-ҳуқуқий база яратилди.

Капитални ташқаридан жалб қилишга ёрдам берадиган омил хорижий тадбиркорларга инвестициялаш учун қулай вазият яратишга кўмаклашадиган рағбатлар тизимини таклиф қилишдир. Республика қонунчилиги томонидан мазкур пайтда қабул қилинган имтиёзлар ва рағбатлар анча кенг бўлиб, инвесторлар фаолиятининг анча қўл жихатларини қамрайди.

Андижон вилояти юқори технологик маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконини берадиган етарлича ривожланган саноат ва илмий-техникавий салоҳиятга эга. Республикада кўп тармоқли саноат салоҳияти мавжудлиги туфайли автомобиллар, енгил саноати маҳсулотларини модификация қилиш каби илмий тараққиётга асосланган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ташкил қилишга эришилди.

Меҳнат ресурсларига келадиган бўлсак, вилоятда меҳнатга лаёқатли аҳолининг анча қисми банд эмас. Шу нуқтаи назардан уларни бандлигини ошириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий корхоналарни ташкил этиб янги иш уринларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Лекин бу тармоқларни юргозишда уни ривожлантиришда тадбиркорлик билмлари талаб этилади. Шунинг учун уларнинг малакаси ҳақидаги масала кўтарилиши мумкин, лекин унинг ечими мураккаблик туғдирмайди (қайта тайёрлаш курсларида, бевосита ишлаб чиқаришда ўқитиш ва хоказо).

Тадбиркорлик ривожлантириш мақсадида текширувларни камайиши, судлар томонидан санкция қўлланилишини жорий қилиниши, рўйхатга олиш жараёнини молиявий ва вақт жиҳатидан камайтирилиши, молия ва статистика ҳисоботларини қисқартирилиши, нотариал хизматларни жорий қилиниши, саноат маҳсулотлари намуналарини, маҳсулот белгиси ва селекция навларини рўйхатга олиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олишни тартибга солиниши натижасида рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони 32988 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1016 тага (103,2 фоиз) кўпайди.

Кичик бизнес субъектларига кредит берувчи ташкилотлар томонидан жами 83,3 млрд.сўм кредит ажратилди.

Кичик корхона ва микрофирмалар, янги фермер хўжаликлар, уй муҳитини ташкил этиш, бозор инфратузилмаларини ривожлантириш ҳисобига 52951 та янги иш ўринлари яратилди.

Натижада фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналари сони 30052 тадан 31184 тага (103,8 фоиз) ортди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида, 2008 йилда 55670 та ўрин, (режага нисбатан 107 фоиз) жумладан: касаначилик бўйича 8963 та ўрин яратилиб, режа 104 фоизга бажарилди.

2008 йилда йирик саноат корхоналарида 1758 та, бошқа йирик корхоналарда 3024 та, кичик саноат корхоналарида 3870 та жами 8652 та иш ўринлари яратиш режалаштирилган бўлиб, амалда жами 8963 та (режага нисбатан 104 %), шундан йирик саноат корхоналарида 1789 та (102%), бошқа йирик корхоналарда 3116 та (103%), кичик саноат корхоналарида 4058 та (105%) ишчи ўрни яратилган.

Маълумки, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг илғор усулларида кенг фойдаланишда, тўғридан-тўғри ички инвестициялар капитал

кўйилмалардаги тақчилликни қоплабгина қолмай, янги технологиялар, янги бозорлар, меҳнат ва бошқарув тажрибасини орттиришга имкон ва мамлакатнинг қарз мажбуриятларини ошишига олиб келмайди.

Тўғридан-тўғри инвестициялаш ушбу маблағлардан энг кўп фойда олишга умид қилиш имконини беради. Шунинг учун у ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхонанинг ишлаб чиқариш-технологик базасини янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишдан манфаатдор. Капиталининг мавжудлиги ички бозордаги монополизмга қарши курашишнинг фаол воситасидир ва мамлакатда рақобатни ривожлантиришга кўмаклашади.

Инфратузилма объекларини барпо қилиш ҳамда туризм соҳасини ривожлантиришга валюта маблағларини жалб қилиш жуда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, ташкил қилинаётган корхоналарнинг қайси тармоққа тегишлилиги ҳамда уларнинг жойлашган ўрнини ҳисобга олган ҳолда банк кредит ставкаларини ўзгартириш йўли билан молиялаш ва кредитлаш масалаларига янгича ёндашувларни қарор топтириш керак.

Айни пайтда мавжуд солиқ имтиёзлари тизими ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун имкон яратади.. Шу муносабат билан, даромад солиғи имтиёзларини бекор қилиш ва солиқ тўловчиларнинг барча тоифалари-ҳам маҳаллий, ҳам хорижий фуқоролар учун бир хил бўлган камайтирилган солиқ ставкасини жорий этиш масаласини кўриб чиқиш, мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқариш инфраструктураси янги объектларини ишга тушириш куйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- юқори экспорт салоҳиятига эга бўлган истеъмолга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш тўла жараёнини таъминловчи замонавий юқори унумли технологиялар ва қурилмалар билан жиҳозланган янги объектларни ишга тушириш;

- Ортиқча меҳнат ресурслари мавжуд бўлган ҳудудларда ва қишлоқ жойларда меҳнат бозорида талаб ва таклифни мувозанатлашни таъминловчи янги объектларни устивор тарзда жойлаштириш;
- Бозор муҳитига тез мослашувчи ва кичик кўламли корхоналарни кўпроқ ташкил қилиш, маҳсулот ишлаб чиқаришда тез ўзгарувчи бозор конъюнктурасини ҳисобга олувчи қулай технологиялардан фойдаланиш;
- Кўпроқ маҳаллий табиий-хом ашё ва моддий ресурслардан фойдаланиб ишловчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган янги объектларни, жумладан биринчи навбатда аёлларнинг иш билан бандлигини таъминловчи енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини ишга тушириш;
- Меҳнатни ташкил қилишнинг уй меҳнати (касаначилиқ) шакллари ривожлантириш. Уй меҳнати аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф таъминланган тоифаларини иш билан таъминлашда катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб уни янада ривожлантириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Шу мақсадда қуйидагиларни кўзда тутиш зарур:

- туманлардаги маҳаллий шароитларни тўла инобатга олган ҳолда корхоналарда мавжуд бўлган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб уй меҳнатидан фойдаланишнинг самарали турларини амалиётга жорий қилиш. Бу борада ташаббускор бўлган иш берувчилар фаолиятини маҳаллий имтиёзлар орқали рағбатлантириш;
- уй меҳнатида иш билан банд бўлган оилалар учун етарли иқтисодий шарт-шароитлар яратишни ташкил қилиш. Иш берувчилар томонидан касаначиликда иш билан бандлар учун корхоналар ишлаб чиқаришида фаолият кўрсатаётган ходимлар билан баравар имтиёзлар ва шароитлар яратишни рағбатлантириш;

- Касаначиликка ихтисослашган корхоналарни ишга тушириш амалиётини жорий қилиш. Бунинг учун иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ва тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлаш имкониятларидан самарали фойдаланиш.

Банд бўлмаган аҳолининг сони ва таркибини аниқлаш.

Банд бўлмаган аҳоли таркиби таҳлили ҳудудда аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишда чора-тадбирлар йўналишларини асосланган ҳолда белгилаш учун зарур.

Бунда меҳнат бозори, меҳнат ресурслари баланси ва меҳнат органлари маълумотлари асосида банд бўлмаган аҳоли сони аниқланади.

Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар таркибини аниқлаш.

Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимларнинг миқдор ва сифат таркиби корхона ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида ҳисобланади.

Иш қидирувчи, иш билан банд бўлмаган шахслар ва бўш иш ўринларининг касбий таркибини таққослама таҳлил қилиш.

Иш қидирувчи, иш билан банд бўлмаган шахслар ва бўш иш ўринларининг касбий таркибини таққослама таҳлил қилиш.

Иш қидирувчи, иш билан банд бўлмаган шахслар ва бўш иш ўринларининг касбий таркибини таққослама таҳлил қилиш иш қидирувчи, иш билан банд бўлмаган шахслар ва бўш иш ўринларининг касбий таркиби орасидаги мосликни аниқлаш имконини беради. Бу эса касбга ўқитиш қайта тайёрлаш ва янги иш ўринлари яратиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Х У Л О С А

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш демографик жараёнлардаги ўзгаришларига ҳамда вилоят тармоқларида яратилаётган янги иш ўринлари сонига боғлиқ.

2009 -2011 йиллари вилоят аҳоли сони 2.6-1.3 фоизларга ўсган. Шу билан бирга меҳнат ресурслари сони ҳам ошиб борган, 8.6-5.8 фоизларга ўзгарган. Аҳоли сони таркибида меҳнат ресурслари салмоғи 2009 йили 58.3 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга бориб меҳнат ресурслари салмоғи 63.4 фоизни ташкил этган. Рақамлардан кўриш мумкинки, йилдан - йилга аҳоли таркибида меҳнат ресурслари салмоғи ошиб борган. Бу эса ўз навбатида уларни иш билан таъминлаш масалаларини хал этишни талаб этади.

Меҳнат ресурсларини иқтисодиёт тармоқларидаги бандлик кўрсаткичи таҳлили бўйича энг катта улуш сервис ва хизмат кўрсатишда бўлиб, бу умумий бандларга нисбатан 2007 йили 39.0 фоизни ташкил этган. 2008 йили бу соҳада умумий бандликка нисбатан 40.5 фоизни, 2009 йили 43.0%, 2010 йили 44.8 фоизни ва 2011 йили 47.7 фоизга тенг бўлган. Рақамлардан кўриш мумкинки, бу соҳада бандлик салмоғи ошиб борган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, вилоятда сервис ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга бандликни соҳалар бўйича салмоғи қишлоқ хўжалигида 2007 йили 38.5 фоизни, 2011 йили 37.2 фоизни ташкил этган. Қишлоқ хўжалигида бандлик салмоғини юқори бўлишига сабаб меҳнат ресурсларининг катта қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Шу билан бирга қишлоқларда саноатни ривожланмаганлиги сабабли меҳнат ресурсларининг аксарият қисми қишлоқ хўжалигида банд. Бу эса қишлоқ хўжалигида ортиқча меҳнат ресурсларини пайдо бўлишига олиб келади. Лекин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши янги иш ўринларини кўпайишига олиб келмоқда. Натижада меҳнат ресурсларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандлиги ошиб борган.

Бу эса қишлоқ хўжалигидаги ортиқча меҳнат ресурсларини камайишига олиб келади.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида иқтисодиёт тармоқларида янги иш ўринлари яратилган ва яратилмоқда. 2010 йили жами вилоятда яратилган иш ўринларини 44.7 фоизини ташкил этган. 2011 йилга бориб бу соҳа 51.9 фоизни ташкил этган. Вилоятнинг саноат тармоғида 55.4 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга бориб 38.3 фоизни ташкил этган. 2008-2009 йиллари саноат корхоналарида иш ўринларини салмоғини ошириш корхоналарни модернизация қилиш, фаолият юритмаётган, кам қувватда ишлаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш ва иш сменалигини кўпайтириш натижасида саноат ишлаб чиқариш ҳажми ошириш ҳисобига янги иш ўринлари сони кўпайди.

Вилоятда яратилган иш ўринлари сони билан меҳнат ресурсларини ўсиш салмоғи номуносабатликда бўлганлиги учун ҳам меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланилмайди. Қишлоқ хўжалиги соҳаларида меҳнат ресурсларининг ортиқча бандлиги сақланиб қолмоқда. Ушбу хулосалардан келиб чиқиб қуйидагиларни тақлиф этамиз:

1. Меҳнат бозорининг салмоғи жиҳатидан асоси ҳисобланган сектори бу – ишчи кучидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий- иқтисодий муносабатлар бўлганлиги учун ҳам иш билан бандликнинг назарий асосларини меҳнат бозорини турлари бўйича ўрганиш итлмий ва амалий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқдир. Меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий- иқтисодий муносабатлар тизимида аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат можароларининг бартараф этиш бўйича иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасидаги муносабатларни шахсий, ҳудудий усуллар асосида тартибга солиш мақсадга мувофиқ.

2. Иш билан бандликни таъминлашда вилоятда биринчи навбатда нолавлат секторида банд бўлган ишчи кучи салмоғининг сезиларли даражада

ошганлиги ижобий силжиш сифатида баҳолаш мумкин. Бу меҳнат ресурсларини иш билан банд этишда самара бераётганлигидан далолат беради.

3. Вилоятда меҳнат ресурсларини салмоғини ўсишига таъсир этувчи омил демографик омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳисобга ишчи ўринлари сонининг ўсиш кўрсаткичлари орасида номуносиблик сақланиб қолмоқда.

4. Иқтисодиёт тармоқларида меҳнат ресурсларини бандлик даражаси сезиларли даражада ўзгармаган.

5. Янги тараққий этган тармоқлар фаолият турларини ривожлантириш, қишлоқ жойларига кичик қувватга эга бўлган саноат ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириш мақсадга мувофиқ.

6. Қишлоқ хўжалигида ортиқча меҳнат ресурсларини бошқа тармоқларга ўтказиш. Бунинг учун эса вилоят туман меҳнат бўлимлари ёрдамида уларни малакасини қайта тайёрлаш бўйича курслар ташкил этиш.

7. Аҳолини асосий қисми қишлоқларда яшяшини ҳисобга олиб, хизмат соҳаларини ривожлантириш, кўпроқ, алоқа, транспорт соҳаларига эътиборни кучайтириш зарур.

8. Вилоят иқтисодиётида мулкчиликни турлилигига ҳамда барқарор ривожланишини таъминлаш.

9. Ишчи кучидан самарали фойдаланиш орқали тармоқларнинг таркибий ўзгаришларига имкон яратилади.

10. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг оқилона бандлигини шакллантиришни тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш.

11. Қишлоқ жойларида иш ўринларини барпо этган субъектлар солиқ тўловларидан маълум муддатга бутунлай озод этилса, кейинчалик маҳсулот

ишлаб чиқариш ҳажмини оширгандан кейин маълум миқдорда солиқ ставкаси тўланса мақсадга мувофиқ бўлади.

12. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар учун жойларда ўқув курсларини ташкил қилиниши лозим. Ўқув марказларини ўқув қўлланма ва оргтехника билан таъминлаш учун молиявий ёрдам кўрсатилиши керак.

13. Вилоят меҳнат ресурсларини иш билан самарали бандлигини таъминлаш учун меҳнат бўлимлари ҳамда корхоналар иш фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш лозим. Бунинг учун корхоналар бўш иш жойлари тўғрисидаги маълумотни меҳнат бўлимларига ва меҳнат бўлимлари эса жойлардаги маҳалла фуқаро йиғинларига ўз вақтида бериб турилса, ишлашни хоҳловчи меҳнат ресурслари иш билан таъминланади.

14. Меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, керакли соҳа йўналиши бўйича ишчи кучларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» ги Қонунига шарҳлар “Шарқ” Нашриёти-Матбаа концерни бош таҳририяти Т.: -2000й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. Т.: “НОРМА”-2007й.
4. И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Т.: “Ўзбекистон”, 2009й
5. Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.
6. Президент Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий- иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиёти янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузаси. Ўқув қулланма, Т...2012й
7. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт ва истиқлол йўли» Т: «Тошкент» 1994 йил.
8. И.А.Каримов. Юксак малакали мутакассислар – тараққиёт омили.
9. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. «Ўзбекистон» 1996 йил.
10. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т: «Ўзбекистон» 1997 йил
11. И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётни энг янги босқичида. «Ўзбекистон» 2005 йил.
12. Кэмпбелл Макконел стенли Брю «Экономикс» 1-2 том. М:1992 йил.

13. Ҳакимова М.А. «Макроиктисодиёт» Т: «Ўқитувчи» 1996йил.
14. Дж.Стинглиц «Экономика государственного сектора» М:1997 йил.
15. Менкю «макроэкономика» М: 1994 йил.
16. С.Ю.Рощин, Т.О.Разумова.Экономика труда:Экономическая теория труда. Учебное пособие.-М.:ИНФРА-М, 2000 г.-(серия “Высшее образование”)-376-стр.
17. Б.М.Генкин.”Экономика и социология труда”. Учебник для вузов.- М.:Издательская группа НОРМА-ИНФРА. М, 1999 г.-338-стр.
- 18.
- 19.
20. Т.Б. Копанёв «Региональная экономика» Ижевск «Персей» 1994 йил.
21. Н.Р.Нарзикулов, О.К.Мукаммедова, И.А.Боқиева. Меҳнат ресурслари иқтисодиёти. Т. 2004 йил.
22. К.К.Абдуракмонов ва бошқалар. Персонални бошқариш. Ўқув қўлланма «Шарқ» 1998 йил.
23. К.К.Абдуракмонов. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. «Меҳнат» 2004 йил.
24. Т. Исакова, К.Кужакулов. Демография статистикаси. Т.2004 йил.
25. С.Ю.Рушин, Т.О.Разумова. Экономика труда. Учебное пособия. Москва 2001 г.
26. В.С.Буланова, Н.А.Волгина, Рынок труда. Москва. 2000 г.
27. А. Хужамуродов. // Меҳнат бозорида рақобат ва экспорт муносабатларини ташкил этиш. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси №7-8. 2001 й. 58 бет.
28. Б.Алиев.”Меҳнат бозорини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари” /Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси/-2003 й. 5-сон, 62-бет.
29. А. Котляр Теоритические проблемы занятости остаются актуальным. Челевек и труд. 1996 №5 стр.
- 30.
31. С.К.Касанов. Роль органов самоуправления граждан в вопросах занятости и трудовой миграции. // Проблемы занятости и трудовой

миграции в странах ЕВРАЗЭС. Материалы научно-практический конференции. Ташкент.2006г.

32. Жамият ва бошқарув журнали. 4-сон. 2001 й. 48-бет.
33. Ортиқова Д. Меҳнат бозори таклифларидан самарали фойдаланиш. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси №2/2000 41 бет.
34. Г.А.Агзамов.Деятельность молодежных организаций в сфере занятости и трудовой миграции молодежи. Роль органов самоуправления граждан в вопросах занятости и трудовой миграции. // Проблемы занятости и трудовой миграции в странах ЕВРАЗЭС. Материалы научно-практический конференции.Ташкент.2006г.
35. Б.Б.Беркинов, Ш.Р.Джуманиязов. Институтционал иқтисодиёт. Маърузалар курси. ТДИУ.. 2011 йил
36. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга оид меъёрий ҳужжатлар тўплами.Т.:2008й.
30. Андижон вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармасининг йиллик статистик маълумотларидан фойдаланилди.